

Уш ва Ҳафтаси



РУБОЙЛАР

Форс тилидан
Эргаш **ОЧИЛОВ**
таржималари

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2000

Буюк сўз усталари ижодига ҳар бир замоннинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади. Бу — янги таржималарга йўл очади. Айни шундай сазй-ҳаракат натижаси ўлароқ дунёга келган ушбу мажмуа орқали сиз Султон ул-орифин Шайх Абу-саид Абулхайр, Шайх Маждиддин Бағдодий ва Убайдий рубоийлари билан илк топқир танишсангиз, Умар Хайём, Шайх Нажмиддин Кубро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шаҳлавон Маҳмуд ва Хўжа Ҳофиз Шерозий рубоийларининг ўз анъанавий вази билан тилимизга ўгирилган янги таржималаридан баҳраманд бўласиз.

Муайян олинган асар юзта мутаржим томонидан таржима қилинса, юз хил жаранглайди! Шундай экан, маълум бир асарнинг бир печта таржима нусхалари яратилиши ижобий ҳодиса ҳисобланади. Чунки ҳар бир таржима асарининг янги бир қиррасини очади, унинг ўзгача талқинини вужудга келтиради. Китобхон эса бу таржималар орасидан ўзига ёққанини таплаб ўқийди. Бинобарин, бугунги кунда қайта таржималарга қўл урилайётган экан, уларни аввалги таржималарнинг инкори сифатида эмас, аксинча, аслиятга ҳам шаклан, ҳам мазмунан мувофиқ келадиган муқобил таржима яртиш йўлидаги уринишлар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан, мазкур таржималар ҳам ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз.

И 95

Ишқ дафтари: Рубоийлар /Форс тилидан
Э. Очилов тарж. — Т.: «Маънавият», 2000.—96 б.

С6

4702620204—15
Т М 25(04)—00 30—00

© «Маънавият», 2000

*Ушбу китобни камоли эҳтиром
билан илмий-иждодий изланишлар
римни ҳамиша қўллаб-қувватлаб
келаётган меҳрибон тоғам Тожиму-
род Тўраевга бағишлайман.*

Таржимон

СУФИЕНА ЗАВҚУ ШАВҚ ТУЛҚИНЛАРИ

Инсон — илоҳийдир, инсоннинг улуғлиги унинг илоҳийлигида. Инсон Парвардигорини қанча севса, демак, қалби шунча эзгулик нурига гарқ бўлади, покланади, маънавий камолотга эришади.

Тасаввуф аҳли инсон зотига ана шундай нуқтан назардан қараб, чин инсонсеварликни илоҳсеварлик билан ўзаро мустаҳкам алоқада олиб талқин ва таъриф этадилар. Шу боис тасаввуфда илоҳий ишқ — марказий ғоя. Чунки Ишқ — бир кимё, қалбга сайқал берувчи, уни оловлантирувчи куч. Ишқ — руҳ қудрати, ботин изҳори. Ахир, тасаввуф таълимотига кўра, инсон руҳи Мутлақ Руҳ, яъни жавҳари зот ҳисобланмиш Парвардигор оламидан ажралиб нузул этган ва у яна ўз Аслига уруж этади (кўтарилади), бориб қўшилади, абадий ҳаётга эришади. Шу боис ишқ мавзун сўфиёна адабиётда асосларнинг асоси, мавзуларнинг энг нажиби, аълоси деб қаралган. Илоҳга муҳаббат — бу мутлақ Ҳақиқатга ва мутлақ Покликка муҳаббат, бу инсон боласининг чек-чегара билмайдиган руҳий-маънавий камолоти рамзи ҳам.

Шунинг учундирки, Шарқ шоирлари неча-неча асрлардан буён бу ғояни куйлаб, дунёни забт этган ажойиб қайноқ шеърятни яратдилар. Ушбу шеърят ёругликка, нурга талпинган диллардан чуқур жой олиб келди. Ва яна муҳими шуки, бу шеърят ҳозир ҳам ўқувчинни бефарқ қолдирмайди.

Тасаввуф шеърятини турли шакл ва жанрларда яратилди. Улар орасида энг кичик лирик шеърлардан тортиб то катта ҳажмдаги ишқий дostonлар ва аллегорик асарларгача — барча жанрдаги асарларни учратиш мумкин. Аммо улар ичида рубоий жанри энг кўп тарқалган жанр десак, хато бўлмайди. Рубоий ўзининг ихчамлиги, ҳикмат-донишини эса қоладиган шаклда ифодалагани, халқ руҳига яқинлиги билан ажралиб турар ва худди шунинг учун ҳам сўфиёна суҳбатлар, мажлисларни қизитишга қўл келарди. Яна шуниси бор-

ки, рубойни катта шоирлар ҳам, машҳур тасаввуф шайхлари ҳам ижод этганлар. Чунончи, Аттор, Румий ижодида рубой алоҳида ўрин эгаллайди, лекин Абусаид Абулхайр, Нажмиддин Кубро, Маждиддин Бағдодий, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам ажойиб рубойлар яратганлар.

Яна шуни ҳам қайд этмоқчиманки, сўфиёна рубойлар фақат ишқ-муҳаббат мавзундаги шеърлардан иборат эмас. Улар орасида инсон табиати, фикрий изланишлари, ҳаётий муаммоларни ифодаловчилари ҳам бор. Умуман олганда, сўфиёна рубойларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Илоҳий муҳаббат завқу шавқини куйловчи рубойлар.

2. Дунё гўзаллигидан ҳузурланиш завқини ифодаловчи рубойлар.

3. Фалсафий мушоҳадалар завқи акс этган рубойлар.

4. Дунёни ва Илоҳни англаш завқи, яъни маърифат гояларини ифодалаган рубойлар.

Бу рубойларнинг ҳар бири бир мустақил асар сифатида қабул қилинади, лекин агар улар жамлаб ўқилса, яхлит бир дostonни ўқигандай таассурот олиш мумкин.

Сизга тақдим этилаётган китобга саккиз муаллиф — Абусаид Абулхайр, Умар Хайём, Нажмиддин Кубро, Маждиддин Бағдодий, Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳофиз Шерозий ва Убайдийларнинг асарлари жамланган. Абусаид Абулхайр, Маждиддин Бағдодий ва Убайдий рубойлари биринчи марта ўзбек ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинмоқда. Шунингдек, Жалолиддин Румий қаламига мансуб кўпгина рубойлар ҳам тилимизда илк бор жарангламоқда. Китобдаги рубойларни иқтидорли еш шоир Эргаш Очилов форсийдан таржима қилган.

Маълумки, форс-тожик адабиётидаги классик рубойларни ўзбек тилига таржима қилиш борасида муайян тажриба тўпланиб, анъана ҳам шаклланган. Бир қисм таржимонларимиз рубойни ўз вазни аруздан чиқариб, бармоқ вазни билан ўгирсалар, бошқалари аруз вазнини сақлашни маъқул кўрганлар.

Айтиш жоизки, бармоқ вазнига кўчган рубой ўз оҳангини йўқотади, оддий тўртликка айланиб қолади. Арузни аруз билан бермоқчи бўлган шоирларда эса бир қусур — форсий бирикма ва ибораларни сақлаб

қолиш кўзга ташланади. Э. Очилов ана шуларни ҳисобга олиб, рубойларнинг ўзига хос арузий вазнини сақлаш билан бирга, имкони бор қадар ҳозирги ўзбек адабий тилида ижод қилишга интилган. Кўп ўринларда бунга эришган. Чунончи, Абусаид Абулхайрнинг:

Мен дод этаман, ишқ илқидан дод этаман!
Бир нозли санамга тушди ишқим, нетаман?!
Ё жаҳд этиб васлига бир гул етаман,
Ё қолдириб армонлара дилни кетаман...

Ёки Умар Хайёмнинг мана бу рубойсини олсак:

Ёш тўқди келиб ўт узра йиғлоқи булут.
Шод этгали дилни, қирмизи бодани тут,
Шул сабза каби кўзни қувонтиргувчи
Оромгоҳ ўлур бизнинг-да гулзори вужуд.

Кўриниб турибдики, ҳам равонлик, оҳанг ва ҳам фалсафий-ҳикматона маъно акс этган бу рубойларда.

Албатта, рубой ўзи кичкина жанр бўлса-да, аммо унинг таржимаси катта муаммо. Қийинчилик кўп. Бунинг боиси шуки, шеър бир тилдан иккинчи тилга ўтганда «ўлиб, яна қайта тирилади». Ана шу қайта тирилтирувчи одам таржимондир. Таржимон қанчалик истеъдодли, моҳир бўлса, қайта ҳаёт бағишлаш шунча муваффақиятли кечади. Бунинг устига, ҳар қандай таржима беихтиёр равишда ички талқин — интерпретация билан кечадиган жараёндир. Агар «талқин» шеърини тўқимага сингиб кетса, у табиий чиқади, ўқувчи сезмайди. Бироқ, агар сингмай қолса, нотабийлик юз беради, бегона аъзодай «мана ман» деб тураверади.

Э. Очилов таржималари бир неча йиллик ижодий меҳнат маҳсули. Ушбу китоб сўфиёна рубойларни ўзбек тилида жамлаган биринчи тўпламдир. Аминманки, у шеърини мухлисларига яхши туҳфа бўлади.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

АБУСАИД АБУЛХАЙР

(967—1049)

Абусайд Фазлуллоҳ ибн Абулхайр Муҳаммад ибн Аҳмад Майҳаний Хуросондаги Ховарон вилоятининг Майҳана қишлоғида туғилган. Султон ул-орифин — Орифлар султони деган шарафли унвонга сазовор бўлган бу улуг ипсон «Абусайд Абулхайр», «Шайх Абусайд Майҳаний» номлари билан мусулмон оламида шуҳрат қозонган.

«Қутби олам Абусайд Абулхайр қаддасаллоҳу сирриҳу барча ақобир ва машойихлар қалбининг подшоҳи эди. Бу дунёда ҳеч кимдан бу қадар кўп каромату риёзат нақл бўлган эмас. У — фаний мутлақ, у — боқий барҳақ, у — илоҳий маҳбуб, у — ниҳоятсиз маъшук, у — мамлакат нозанини¹, у — маърифат бўстони, у — фалакни сайр этувчи арш², — деб васф этган эди уни Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарида. Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат»да бу таърифни давом эттириб, уни «шарият султони», «тариқат султони», «замона султони», «тариқат аҳлининг ҳусни», «қулуб мушрифи». яъни «қалбларни ўзига қаратган зот» каби сифатлар билан улуғлайди. Унинг замонида барча машойих Абусайдга тобеъ эдилар, дейди

Нақл қилишларича, Абусайд Абулхайр нафақат довишманд, балки яхшигина таъли назми бор, ўзи дилкаш ва суҳбатчи ҳузурбахш киши бўлган. Маибаларда унинг тасаввуфга оид «Мақомот» китоби ва рубоийлар баёни мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. «Гулшани адаб»да бизгача шайх-шоирга ирсбат берилган 720 та рубоий етиб келганлиги таъкидланса-да³, тожик олими С. Саидзода тўплаб нашр этган «Шабнама ишқ» (Хўжаид, 1993) мажмуаси 346 рубоийдан ташкил топган.

Тасаввуфга оид маибаларда Абусайд Абулхайр тариқатга шеърятви омухта этган шайх сифатида тилга олинади. Сўфиёна гоиларни акс эттирган илк қитъа ва рубоийлар ҳам унинг қаламига мансуб. Улар муридлар томонидан ўртага қўйилган масалаларга жавоб тариқасида дунёга келган ҳамда шайхнинг сўзлари ва ҳолатлари баёни асосида тартиб берилган «Асрор ул-тавҳид» китобида жамланган. Шундан келиб чиқиб, айтиш

¹ Бу иборани, бизнингча, «Худонинг суюклиси», «Оллоҳнинг эркаси» тарзида талқин қилиш лозим. — Э. О.

² Бу иборанинг мазмуни: «Илоҳий оламни сайр этувчи улуг зот», демасқидир. — Э. О.

³ Қ а р а н г: Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди 1. Душанбе, 1975, 123-б.

мумкинни, тариқат шайхларнинг шеърятга мурожаат қилиши Абусаид Абулхайрдан бошланган.

Абусаид Абулхайр самоъ (арабча: эшитиш) мажлисларини қиздириш учун дастлаб ишқ-муҳаббат мавзудаги халқ тўртликларидан фойдаланган бўлса, кейинчалик ўзи ҳам рубоийлар ижод қилиб, уларда тасаввуф ақидаларини баён қилган. Абусаидга эргашган тариқат пирлари бу анъанани ривожлантириб, янада мустаҳкамлаганлар.

Абусаид Абулхайр ўзидан кейинги тасаввуф адабиётига катта таъсир ўтказган.

Илоҳий ишқ васфи, эзгулик ва эзгу амаллар, яхши ахлоқ тарғиби, вафо ва садоқат, ҳижрон туйғулари, замонадан ва нафсдан шикоят ва бошқа мавзулар Абусаид Абулхайр рубоийларининг асосини ташкил этади. Бу намуналар, аввало, жозиб оҳанги, шайқангез руҳи ва дақиқ маъноси билан кишини ўзига тортади. Улар халқ оғзаки ижодига яқин, раво ва енгил услубда ёзилган. Лекин ўзида тасаввуфнинг кўплаб назарий масалаларини ифода этганлиги жиҳатида бу рубоийлар асосан самоъ мажлислари, сўфийларнинг маърифий суҳбатлари орқали машҳур бўлган.

1

Бўлмас сира бизда дилки, хуррам бўлгай,
Шодлик ўзи биз тарафда-ку кам бўлгай,
Ҳар шодлиги дунёни магар юз очса,
Келгунча етиб бизга ўшал ғам бўлгай.

2

Кўнглимни у ўтли сўзлари олдилар-ей,
Ҳам зулфлари, оҳу кўзлари олдилар-ей.
Дерлар менга: «Дил бердинг уларга не учун?»
«Мен берган эмасман, ўзлари олдилар-ей!»

3

Ёрдан сўрадим боисини ҳижроннинг,
Бул бўлди жавоби менга ул жононнинг:
«Мен кўзинг эрурман, йўқ ажаб, кўрмасанг-ей,
Мен жонинг эрурман, киши кўрмас жонни».

4

Ҳеч битта ғами фурқати жононча эмас,
Ҳар қанча ёмон дарди-да ҳижронча эмас.
Қандоқ кечайин жоним эсанг, мушкул эрур,
Дунёнинг бирор бойлиги чун жонча эмас¹.

¹ Бу рубоий Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

5

Хушбўй ҳидига мушк ила анбарин гадо
 Қилгувчи у сочинг кеча, эй нозик адо,
 Тушди оёғинг остига-ю, қилди нидо:
 «Бошдан-оёғим бошдан-оёғингга фидо!»

6

Очди ўша дилбарим ниқоб бир ёқдан
 Ҳам тонг кўтарди-ку ҳижоб бир ёқдан,
 Қўпган эмаса қиёмат юз очди нега
 Бир ёқдан ул ойу офтоб бир ёқдан?!

7

Бу гамзадалар давосини билгайсан,
 Ушшоқ¹ дилнинг дуосини билгайсан,
 Айтиб нима қилдим сенга ўз дардимни,
 Мендан кўра яхшироқ уни билгайсан.

8

Бу ҳийла, дединг, йиғласам ишқингда зор,
 Гар ҳийла эса, нечун кўзим қонли, ёр?
 Сен ўз юрагингга менгзама ҳар дилни,
 Ўқ, йўқ, санамо, диллар ичинда фарқ бор!

9

Сабримга, Худоё, мени сарвар айла,
 Ҳақ нури билан дилим мунаввар айла,
 Бу ошиқи саргашта қулинг ризқини ҳам
 Эл миннатисиз Ўзинг муяссар айла.

10

Ошуфта этиб ишқ отли дарёда ўзинг,
 Маҳв айладинг ўзликни бу савдода ўзинг.
 Мен қайга етай зоту сифотингни тилаб,
 Пинҳон-да ўзингсан-у, ҳувайдо-да ўзинг.

11

Ул тун менга берганда висолинидан ранг,
 Ялдо каби тун қисқа-ю, кенгликдир танг.
 Ул тун вале мен забун билан қилсанг жанг,
 Тун кўр-у, хўроз гунг-у, Сурайёдир² ланг.

¹ Ушшоқ — ошиқлар.

² Сурайё — юдузлар туркумидан бирининг номи. Олти кичик юдузнинг бир ерда жам бўлишидан иборат.

12

Дилдан сўрадим: «Ишинг нечук, сўйла, ҳабиб?»¹
 Тўлди унинг дийдаси ва ёш тўкди ҳадеб.
 Деди: «Не бўлар ҳоли ўшал кимсаниким,
 Умрин басар этгай у биров хоҳиши деб?»

13

Не кунки, дилим гулхани ҳижронда куяр,
 Ашким ҳама ул дийдан гирёнда куяр.
 Куйгай эдим онқадар, дилингдан ўзга
 Менда дили кофиру мусулмон-да куяр...

14

Мен дод этаман, ишқ илкидан дод этаман!
 Бир нозли санамга тушди ишқим, нетаман?!
 Е жаҳд этиб васлига бир кун етаман,
 Е қолдириб армонлара дилни кетаман...

15

Мажнун нима дашту нима тоғ — фарқ этмас,
 Ошиқ нима бош, недир оёқ — фарқ этмас.
 Маҳв айлаб ўзини сени ким топса — ўшал
 Менлик нима, сенлик нима, боқ — фарқ этмас.

16

Кўнглимки, гаминг билан тўлиқдир, эй дўст,
 Дардинг туну кун менга рафиқдир, эй дўст.
 Мен кўнгли синиқларни севарман, дебсан,
 Бизнинг-да шу кўнглимиз синиқдир, эй дўст.

17

Ошиқману девонаману шайдоман,
 Машҳурману афсонаману расвоман,
 Кофирману бутпарастману тарсоман²,
 Бундан-да баттарман неча бор ҳатто ман!

18

Мақсад йўли — Каъба, чалгима ўнг-сўлга,
 Майхона десанг, тушарсан ўзга йўлга.
 Майхона йўли валекин андоқ обод:
 Чайқалмай ўтар қадаҳ-да қўлдан-қўлга.

¹ Ҳ а б и б — дўст.

² Т а р с о — масроний.

Дардингни чекиб, тадбири дармон қилмам,
Зулфингни севиб, орзуйи иймон қилмам.
Жононим, агар жон тиласанг, хуш бўлгай,
Жононим учун андишан жон қилмам.

Мансур¹ маърифат баҳри наҳанги гўё,
Тан пахтасидан жон чигитин қилди жудо.
Ул кунки, «Аналҳақ»ни оларкан тилга,
Мансур эмас эрди у — Худо эрди Худо!

Хоҳ шодману хоҳ қайғуда — ёдинг дилда,
Ултурсаму турсам — эзгу номинг тилда.
Ёдингга мен андоқ чулғанибман, эй дўст,
Кўрмайди кўзим ўзгани бу манзилда.

Бермиш сенга икки нарсани қодир Эгам,
Хўбликда қилар баҳс унинг ҳар иккиси ҳам:
Ул биттаси сийрат — тутасан дўст кишини,
Ул биттаси суврат — тутишар дўст сени ҳам.

Сенсиз менинг бир лаҳза қарорим йўқдир,
Гарчи карамингдан сира зорим йўқдир.
Тил бўлса-да танда ҳар туким — минг тил ила
Шукрингни қилиш учун мадорим йўқдир...

Кўзим тўла ёшки, унга уйқу йўламас,
Ранжим — висолинг орзусидан ўзга эмас.
«Уйқунгда кўрарсан, кўзни юмсанг», — дерлар,
Билмаски улар, менга абад уйқу абас.

Эй хожа, дилингда-ку жамоли Оллоҳ,
Меҳрингни вале тортади боғ, хирмангоҳ.

¹ Мансур — машҳур сўфий Мансур Ҳаллоҷ (858—922).
«Аналҳақ» — «Мен — Худоман» дегани учун ваҳшиёна бир тара-
да қийнаб ўлдирилган.

Ошuftасимиз биз оламин тажридининг¹,
Бизининг гамимиз: «ло илоҳа иллаллоҳ»².

26

Кўнглимдаги бор майлу таманно сенсан,
Бошимдаги бор оғриқу савдо сенсан,
Ҳар қанча ҳаётга боқмайин кўргайман:
Сенсан бугун-у, эрта-да танҳо сенсан!

27

Ҳар кексаю ёшнинг дили шод дардиндан,
Диллар сира бўлмасин касод дардиндан,
Мен хастанни жисмини бу тупроқ уйида
Айлантириб ўйнар гирдбод дардиндан.

28

Мискин вужудим журм³ юкидан бўлмиш ҳам
Тангрим, бу қулингни қилмагил кўндан кам.
Гарчанд амалимда сенга мақбул иш йўқ,
Лутфингни дариг тутма, Эгам, мендан ҳам.

29

Гоҳ худди фаришта ҳазрати инсонман,
Гоҳ ётиш-ейишдан ортмаган ҳайвонман,
Гоҳ енгади шайтон — соҳибни исёнман,
Бу турфа феълимдан ўзимам ҳайронман.

30

Қаъбада хаёлинг этса банд бегона,
Тоат бари фиқу Қаъбадир бутхона⁴.
Гар дилда Худою сокинни майкадасан,
Кечгай бу гуноҳингни ўзи жонона.

31

Ишқингда сенинг жонни фидо қилгим бор,
Қўйингда йўғу борини адо қилгим бор.
Қай кунки кўрарман сени, эй умри азиз,
Ул кунда сенга жонни фидо қилгим бор.

¹ Тажрид — бошқалардан ажралиш, танҳолик.

² Ло илоҳа иллаллоҳ — калимаи тавҳиднинг бошланғич қисми бўлиб, «Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», демакдир.

³ Журм — гуноҳ, айб.

⁴ Бутхона — оташпарастлар ибодатхонаси.

32

Илм бирла амал агар баробар бўлгай,
 Ҳар икки жаҳон сенга муяссар бўлгай.
 Ул саҳфани, мағрур ўлма, хатм этдим деб,
 Қайтар у варақ ортига — дафтар бўлгай.

33

Мойилмиз-у май ичишга, тақво дилда,
 Дунёга берилгаймиз-у, уқбо¹ дилда.
 Дунё била дин сира келишганми, ахир?
 Бас, бўлган эмас на дин, на дунё дилда!

34

Ҳар қалбки, ишқ учун агар сайланади,
 Ишқ ўқиға учмоққа ўшал шайланади.
 Қонга беланиб ётса-да, туриб-йиқилиб,
 Ўз қотилининг атрофидан айланади...

35

Маҳшар куни зўр савол-жавоб бўлгаймиш,
 Ер «марҳамат»и қаҳру итоб бўлгаймиш.
 Ёрни қўлидан гарчи ёмонлик келмас,
 Диллардаги қўрқув беҳисоб бўлгаймиш.

36

Гар мадрасада сен энг билимдон бўлсанг,
 Ҳар даврада зўр, дониши даврон бўлсанг,
 Бу илм ила ишқ мактабида, тенг йўқдир,
 Еш бола каби ожизу нодон бўлсанг.

37

Бул аҳли замонадан ор қилгайсиз,
 Тарк этгали суҳбатин қарор қилгайсиз.
 Топмайди ривож банда иши банда билан,
 Уммидни Ўзидан ихтиёр қилгайсиз.

38

Ёр айласа қаҳрини намоён сенга,
 Ғам чекмаки, меҳри уни чандон сенга.
 Ойнадаги суратга ўхшар жонон,
 Гар сен қарасанг, қарайди жонон сенга.

¹ Уқбо — охират.

Эй Тангри, мени ғамга гирифтор қилма,
То дўсту яқинлар қошида хор қилма,
Эл миннатисиз бергил Ўзинг ризқимни,
Лутфингни аяб, эл қўлига зор қилма.

40

Бир зот деди: «Ёр яшайди қай манзилда?»
Дедимки: «Ёр макони бизнинг дилда».
Дедикки: «Дилинг қаерда?» Дедим: «Унда».
Деди: «У қаерда?» Дедим: «Уми? Дилда».

41

Ул ёр кўйида ошиқи мардонаман-ей,
Тушдим вужудимдан айру, бегонаман-ей,
Ул илм талаб қилмади — лаб бойланди,
Ул ақл харид қилмади — девонаман-ей.

42

Уд¹ йўқ эди, тол таёғини келтирдим,
Юз қорасию соч оқини келтирдим.
Ўзинг деган эрдинг-ку: умидсизлик — куфр,
Шул боис умид маёғини келтирдим.

43

Бир лаҳза юзингсиз истиқомат қилмам,
Кўйингда бировларни маломат қилмам,
Наслингни қидиргали иқомат² қилмам,
Ишқингда-ку тавба то қиёмат қилмам.

44

Айб айлама, эй хожа, агар ичсам май,
Ошиқлигу хумморлик учун этсам саъй.
Хушёр эканимда қуршаса агёрлар,
Беҳуш эканимда оғуши ёрнинг шай.

45

Ишқинг хосу ордан эрса пинҳон, на қилай?
Дард ошса-да, топилмаса дармон, на қалай?
Дил ўзгага майл этса қанийди, аммо
Мен истасам-у, бермаса дил ён, на қилай?

¹ Уд — бу ерда: ўтга ташлаганда хушбўй ҳид таратадиган ёғочнинг бир тури.

² И қ о м а т — бу ерда: саъй-ҳаракат маъносига.

Кўзголдн жаҳонда сени деб фитна-финоқ,
Муҳтожни яқин тутдинг-у, бойларни йироқ.
Сен ҳаммага сўзлайсан — эшитмас ҳамма,
Сен ҳамма-ла бирга — ҳамма кўрмайди бироқ.

Мажнуни паришонинг ўзим — имдод қил,
Оввораю ҳайронинг ўзим — имдод қил,
Ҳар чораси йўқнинг чорасози бўлгай,
Бечораю сарсонинг ўзим — имдод қил¹.

Дедимки: «Дилим». Деди: «Кабоб айлама кўп».
Дедимки: «Кўзим». Деди: «Селоб айлама кўп».
«Жоним», — деган эдим, деди: «Ишқ оламида
Кўп зору хароб, сен-да хароб айлама кўп».

Истар эсанг, Оллоҳ назарига илсин,
Тегрангда малаклар айланиб-ўргилсин,
Ё қилгил унинг ризолиги бор ишини,
Ё кўн, у сени ҳар нима қилса-қилсин!

Дил дардини сен давосини билгайсан,
Ўтди юрагим сазосини билгайсан.
Нетдим яшириб, гуноҳга ботган кишининг
Саркаш дили мудлаосини билгайсан.

Ҳақ тоатисиз беҳишт умидни тутма,
Дни хотамисиз² мулки Сулаймон кутма,
Гар икки жаҳон розилигин истарсан,
Ҳеч битта мусулмон дилини ранжитма.

Эй барча тирик жонни яратган Биру бор,
Ҳар бир қадами уларни сенга ошкор.
Даргоҳингга бойладим умид риштасини,
Энди мени қўллагил ўзинг, эй Фаффор!

¹ Бу рубоий Жалолиддин Румийга ҳам нисбат берилади.

² Х о т а м — узук.

Маълум эди сенга то яралишга қадар
Қандоқ бўлиши аслида фарзанди башар,
Бас, банда гуноҳи бандадан эрмас, Эгам,
Ул банда қилар ҳар нени, амр этсанг агар.

Эй хожа, ўлим хаёли ғам келтиргай,
Йиғлатга-ю дилни, кўзга нам келтиргай.
Юз марта ҳаётни ўйлаган, бир марта
Балки эсига ўлимни ҳам келтиргай.

Эй холиқи халқ, раҳнамое йўлла,
Бул бенаво қулга бир навое йўлла.
Иқболим нпига боқ: тугун узра тугун,
Раҳм айла-ю, бир тугункушое йўлла.

Орифки, маърифат сиридан¹ огоҳдир,
Ўзни унутиб, Худо билан ҳамроҳдир.
Ўз нафъинг-у, Ҳақ вужудин исботин қил,
Шул маънийи «ло илоҳа иллаллоҳдир».

Бегонанинг ишқи дилини тутди ватан
Деб, ҳеч мени ёзғирмасин ул сарви суман,
Чунки ҳали остонасининг тупроғи
Қайноқ жигарим қонларининг тафти билан!

Тенгинг йўғ-у, ҳар кимса хаёлинг қилгай,
Ё мен каби орзуйи висолинг қилгай.
Ўз ҳосилини кўриб қувонса шояд,
Холиқки, томошон жамолинг қилгай.

Эй Тангри, карам эшигин оч юзимга,
Кўринсин ўшал нажот йўли кўзимга.
Ҳар икки жаҳондан озод айла, токи
Ёдингни фақат кўрай раво ўзимга.

¹ Маърифат сирӣ — Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм.

Ошиқ кеча-кундуз ўйлагай севганини,
 Маъшуқ қизитар нозу карашма фанини.
 Биз журму гуноҳ қиламиз, сен лутфу карам,
 Ҳар ким қилади-да қўлидан келганини.

Эй ёр, биласанми, нимани хоҳлайман:
 Васлинг сени — бор-йўғим мани, хоҳлайман.
 Фарёду фиғону оҳларим боиси шу:
 Ҳар икки жаҳонда ман сани хоҳлайман!

Эй меҳргусил¹ сени кўнгил хоҳлайди,
 Айёми висолни муттасил хоҳлайди.
 Васлинг менинг мақсадим мудом Оллоҳдан,
 Шунчадир умид қанчани дил хоҳлайди!

Ишқ ўлкасида бирор осуда дам йўқ,
 Дард ортиғу бунда, озгина малҳам йўқ.
 Чекмай аламу дард этма дармонни умид,
 Беайбу гуноҳ умиди раҳмат ҳам йўқ.

Тут покиза дилни — боқади Ҳақ дилга,
 Олмайди ғуборли дилни у бир пулга.
 Зоҳид дилини покласа Оллоҳ йўлида,
 Айлантирар у жумла башарни қулга.

Майдон кенг-у, аммо қани марди майдон?
 Ҳозирги жаҳон мардларида йўқ иймон:
 Зоҳирда агарчи авлиёга ўхшар,
 Ботинда улар асли эрурлар шайтон.

Беғам яшай олмайди сира ошиқи лол,
 Борми бедиеру ёрга бир ўзга завол?
 Бермоққа бир ишвасига жон, не етсин,
 Билмай нима ҳижрону нима васлу висол!

¹ Меҳргусил — гўзал маҳбуба.

Бўлганда аён табибга бул дарди ниҳон,
«Ердан ўзгасига, — деди у, — боғла забон».
Дедим: «Не таом ей?» Деди: «Дил қонини ич.
Парҳез сенга бўлгай яна ҳар икки жаҳон».

68

Дунё сира қилмагай вафо инсонга,
На отага қолди у ва на ўғлонга.
То келса қўлингдан ўтказ умр тоат ила,
Шул чарх иши ҳам гадою ҳам султонга.

69

Ҳайҳот, яна таратди хуш бўйини май,
Қўпди яна оввозайи ҳою ҳую ҳай.
Ҳақ сирлари янгради дил қулоғида мудом,
Ўтлуғ тили-ла фақирга йўллар уни най.

70

Оҳ-нола чекиш — фақирга бор иш бу кеча,
На сабр намоёнди-у, на ҳуш бу кеча.
Ўтган кеча ёр билан кечирган лаҳза —
Шодликка товон тўлаш билан хуш бу кеча.

71

Ёнган кунни оламда муҳаббатнинг ўти,
Маъшуқадан ошиқ куйиш илмин ўқиди.
Ул дўст тарафидан келди бу сўзу гудоз,
Шамъ ёнмаса, парвона сира куймас эди.

72

То ўз вужудингдан пушаймон эмасанг,
Ориф эли бирла масту мастон эмасанг,
Бу халқ назарнда бўлмагайсан кофир,
Ишқ мазҳабида агар мусулмон эмасанг.

73

Ўхшайди кумуш кўзага асли бу жаҳон,
Гоҳ суви ширину гоҳи аччиқдир, аён.
Умрим мана мунча, деб гурурланма сира,
Ҳар лаҳза ажал оти эгарлоқ бегумон¹.

¹ Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилди.

Ҳайҳот, бу ғамимга эш бўлар одам йўқ,
Севгининг узун йўлида бир ҳамдам йўқ.
Дил қаърида роз жавҳари хирмон бўлди,
Тинглашга уни, нетай, бирор маҳрам йўқ.

Афсуски, ёшликни хуш они ўтди,
Хушбахтлигу шодликнинг замони ўтди,
Сув бўйида ташна ётдим-у, ёнимдан
Ул обиҳаётнинг хуш сурони ўтди...

Келгил яна, хоҳ баланду пастсан, келгил,
Қофирми, мажусий, бутпарастсан, келгил,
Ҳеч бўлма умидсиз бу улуғ даргоҳдан,
Минг марта магар тавба ушатсанг, келгил.

Мендан сўради бир киши: «Маъшуқанг ким?»
Тутдим ўша нозли санам исмини шу зум.
«Қандай яшаяпсан бу каби ёр қўлида?» —
Деб йиғлади ҳолимга ўшал зот юм-юм.

Ким ўтмаса жамъдан, у сира фард¹ бўлмас,
Ким кечмаса ўздан, у сира мард бўлмас,
Ким дўст йўлида бор-йўғини этмаса маҳв,
Бедарддир ўшал, кўнглида ҳеч дард бўлмас.

Бор дардим-у, ундан юрагим бирён-ей,
Бор ишқим-у, ҳар лаҳза кўзим гирён-ей,
Бир ишқки, дил тугул, жаҳон тоб бермас,
Бир дардки, йўқ унга сира дармон-ей.

Гар мисли Халил² бир Каъба бунёд этсанг,
Тоат ва намоз-ла уни обод этсанг,
Ҳар кун икки минг бандани озод этсанг,
Етмас ангаким, ҳаммани гар шод этсанг!

¹ Ж а м ъ ва ф а р д — тасаввуфий тутунчалар.

² Х а л и л — Иброҳим алайҳиссаломнинг лақаби.

81

Жон, дилдаги бор суврату маъно сенсан,
 Мақсуди ҳама дин ила дунё сенсан,
 Ҳам барча учун маъшуқи танҳо сенсан,
 Лек кимга ниҳон, кимга ҳувайдо сенсан!

82

Осон неча минг Қаъбани обод айлаш,
 Мушкул вале бир кимса дилин шод айлаш.
 Этгандан асир лутф ила бир озодни,
 Маъқул эди минг бандани озод айлаш.

83

Афсуски, киши огоҳ эмас дардимдан,
 Йўқдир хабари бу чеҳраи зардимдан.
 Дўстлик ҳақи, ол хабар фақирдан, эй дўст,
 Топмайсан асар йўқса бирор гардимдан.

84

Ишқ сўзини қай дамки қулоққа илдим,
 Жону дилу кўзни гам тигида тилдим.
 Ошиқу маъшуқни икки деб ўйлар эдим,
 Ул иккиси бир экан — ўзимдан билдим.

85

Келгил яна, то сидқу ниёзим кўргил,
 Бедор кечалардаги намозим кўргил.
 Девона эмасман-у, фироқинг, санамо,
 Солди мени шу кўйга — миждозим кўргил...

86

Билгилки, тириклик бир умр дўст ила хуш,
 Кўп эрса-да жабри, барибир дўст ила хуш.
 Дерлар: «Тилагинг беҳиштми, дўст дийдори?»
 Гофилдир улар, беҳишт ахир дўст ила хуш!

87

Ул дўст висол эшигини бизга ёпар,
 Ҳар лаҳза фироқ оташида дилин ёқар,
 Бас, мен-да шу кўнглимни синиқ тутгайман,
 Дўст чунки мудом кўнгли синиқларга боқар.

На сену на мен азал сирин билгаймиз,
 Ё ушбу муаммонн-да ҳал қилгаймиз,
 Ҳақ пардасидан ташқарида бор сўзимиз,
 Гар тушса у, на сену на мен қолгаймиз...¹

89

Севгиси унинг бўлди бало бошимга,
 Ҳеч ажрамас — ўхшайди қариндошимга.
 Қочмоққа уринсам ғамидан, ҳар гўшада
 Тоғ-тоғ ғами пешвоз чиқади қошимга.

90

Сен ўйламаки, мени жаҳон қўрқитгай,
 Ташрифи Азозил бегумон қўрқитгай,
 Ҳақ бўлса ўлим, мен нега қўрқай ундан?
 Худбинману шу мени ёмон қўрқитгай.

91

Сармойеси инсон умрининг бир нафас-ей,
 Бўлсин шу нафасда маҳраминг ҳамнафас-ей,
 Ултирсанг агар шу ҳамнафас-ла бир нафас,
 Мазмуни ҳаётнинг худди шу бир нафас-ей.

92

Ҳар ҳол била йўлингга кирилса хушдир,
 Ҳар йўл била васлинг қидирилса хушдир,
 Ҳар кўз била юзингни кўрилса хушдир,
 Ҳар тил била номингни тутилса хушдир.

93

Бул чархи ғалак кўзимга сенсиз тордир,
 Юз манча² юк осгида дилим абгордир,
 Умримни узайтириб хижил қисмат ҳам,
 Жонимни олиш эса ажалга ордир.

94

Қон бўлди кўнгил, мунча сабр кимга керак?
 Эй жон, мени тарк этки, жабр кимга керак?

¹ Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилди.

² Ман — оғирлик ўлчови бўлиб, турли жойларда турлича қўлланилади. Масалан, Самарқандда бир ман — 8 пудга тенг бўлса, Табризда 3 кг атрофида бўлган. Шарият истилоҳида бир ман — 180 миққол, яъни 846 граммга тенг.

Эй дийда, уялсанг бўлар ўз ҳолингдан,
Ер юзини кўрмасанг, бу нур кимга керак?!.

95

Кўз йиғлади — буткул ёшга дўнди жисмим,
Жисмим нима, ишқингда унутдир исмим.
Мендан асаре қолмаса, бу ишқ нечун?
Мен бўлдим маъшуқ бутун, ошиқ ким?

96

Аҳд¹ ошиқимиз-у, жон унинг муштоқи,
Енгаймиз ишқ оташида то жон боқий.
Ғам — газагу дард — надим² мутриб — нола,
Май бизга жигар қони-ю, кўзлар — соқий.

97

Бул умр баҳор абри — дўлига қолсин,
Бул дийдами — тоғларнинг селига қолсин,
Шундай яшаким, кўз юмсанг, ҳайрат қўлини
Тишламак иши башар элига қолсин!

98

Ошуфта юзимдан ҳамиша зар ёғади,
Кўзимдан эса қайғу саросар ёғади.
Ишқингнинг алангасида ёндимки чуқон,
Севгимнинг булутидан самандар² ёғади!

99

Дилдан мурод улки, то ғамингга тўлсин
Ҳам тан ҳарами унинг саройи бўлсин.
Дардинг нима қилса дилни лутфдир, йўқса,
Тор дилга ғамингни чеккали йўл бўлсин!

100

Ҳақ зикрини айтмоққа забон яхши эмиш,
Тоатни қилиш тунда ниҳон яхши эмиш.
Утмоқ тиласанг пули Сиротдан осон,
Нон бер гадоларга, чунки нон яхши эмиш.

¹ Оллоҳ ўз ризосига эришган хос бандаларига охиратда жамолини курсатишга ваъда қилган. Бу ерда шунга ишора қилинган. — Э. О.

² Самандар — афсонага кўра ўт ичида туғилиб, ўт ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.

УМАР ХАЙЁМ

(1048—1131)

Улуғ файласуф, шоир, мунажжим, математик ва табиб бўлган Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий—Умар Хайём Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилган. Аниқ фанлар соҳасида ўз даврининг ягонаси бўлган олим томонидан тузилган тақвим, манбаларнинг яқдиллик билан гувоҳлик беришича, амалдаги Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган. Унинг риёзиёт, илми нуҷум ва фалсафага оид бир қанча асарлари бизгача етиб келган.

Умар Хайём ўзини сира ҳам шоир деб ҳисобламаган. Рубойларини илмий излавишлардан тартган пайтида турли дафтарларнинг ҳошиясига битган. Қисмат ўйинини қарангки, олим ўз умрининг асосий қисмини сарфлаган фаннинг турли соҳаларидаги буюк кашфиётлари бир чеккада қолиб, у иккинчи даражали ҳисоблаган рубойлари Хайём номини дунёга таратди.

Умар Хайём рубойлари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Унинг фалсафий мазмуни теран ва бадий жиҳатдан пишиқ рубойлари атоқли мутаржим Ш. Шомуҳамедов таржимасида бир неча марта нашр этилган. Кейинчалик тапиқли шоир ва истеъдодли таржимон Ж. Намол шоир рубойларидан бир қанчасини ўз арузий вази билан ўзбек тилига ўғирди.

Аввал тафаккурда туғилиб, кейин қалб қўрига йўғрилган Умар Хайём рубойлари, бир сўз билан айтганда, олам ва одам ҳақида. Шоир дунё эврилишларига донишмандона босиқлик, таассуф аралаш лоқайдлик билан қарайди: дунёни ўзгартиришқи қўлинидан келмас экан, уни деб қайгуриш беҳуда. Унинг учун туғилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром — бир хил: ҳаммаси ўз табиий қонуниятига асосланади.

Дунёвий фалсафа вакили сифатида Хайём дунёни ақл элагида элайди — олам ва одам муаммосини умумфалсафа мезони билан ўлчайди. Шу маънода, Хайём ижодида биз одамдан ҳам, оламдан ҳам устун турадиган — дунёни қамраб оладяган шафқатсиз фалсафага дуч келамиз. Лекин фаранг файласуфи Ларошфуко: «Фалсафа ўтмиш ва келажак кулфатлари устидан таштана қилади, лекин бугуннинг қайғуси фалсафа устидан таштана қилади». — дегани каби Умар Хайём рубойлари ҳам буюк мутафаккирнинг фалсафий мезонларига бўйсунмаган, уларни ёриб чиққан залворли фикрлар нўртанаси, беором қалбига сиғмаган оташии туйғулар силсиласидир. Агар шундай бўлмаганда, Хайёмнинг исёнкор шеърини ҳам дунёга келмас эди.

1

Ҳар зарраки тупроқ қатида боқса тузук,
Шоҳ тожи эрур балки ўшал ёки узук.
Гардини сулувлар юзини аста сидир,
Бўлган эди бир вақт у ғубор қоши сузук...

2

Менман ўша осий — ризоинг қани, ҳей?
Кўнглим уйи зулмат — зиёинг қани, ҳей?
Жаннатни берарсан гар итоат боис,
Бул ҳаққим эрур — лутфу атоинг қани, ҳей?!

3

Оҳ, кошки қазо лавҳига қўл етса эди,
Ўз хоҳишини унга дилим битса эди,
Ғам оти бутун ер юзидан йитса эди,
Шодликни жаҳон бошига тож этса эди...

4

Ул зотки, замину чарху афлок тузди,
Доғ солди кўнгилга — упи ғамнок тузди,
Бисёр ақиқ лабу ҳилол юзларни
Ер ичра яширди — бир сиқим хок тузди...

5

Масжидга магар ниёз учун келганман,
Қилмангки хаёл намоз учун келганман,
Сажжода¹ ўғирлаган эдим — эскибди,
Бас, покиза жойнамоз учун келганман.

6

Жисмимни ювинг бода билан ўлсам агар,
Ед айласангиз соз яна май бирла саҳар,
Майхонанинг эшигига ташлайди назар,
Маҳшар куни мендан тилаган кимса хабар...

7

Ошиқки, мудом сархушу шайдо бўладир,
Девона, паришон яна расво бўладир.
Ҳушёр киши ғам-қайғу тузоғига асир,
Хумор киши дунёга бепарво бўладир!

¹ С а ж ж о д а — жойнамоз.

Дунё дегани меҳнату даврон эса гам,
Тақдир дегани офат, тириклик-чи, ситам,
Филжумла, жаҳон ҳолига боқсам — кўраман:
Беғам киши йўқ бунда, магар бўлса-да — кам.

Бутхонаю Қаъба — хонаси қулликнинг,
Зангӯла чалиш — таронаси қулликнинг,
Меҳробу калисою¹ тасбеҳу салиб² —
Ҳақ улки, бари — нишонаси қулликнинг!

Бизларни қўғирчоқ қилиб ўйнайди фалак,
Шул сўздан аён ўрнимиз оламда, малак,
Қилганча ҳаёт саҳнасида жонни ҳалак,
Сўнг қисмат адам қаърига отмоқми палак?!

Бир коса шароб юз дилу динга арзир,
Бир қатран май давлати Чинга арзир,
Йўқ ер юзида май каби ҳеч нарса — унинг
Алчиқлиги минг жони ширинга арзир!

Сармояси пул бўлмаса-да дононинг,
Пулсиз эса зиндон кўради дунёни.
Қўл қисқалиги сабаб бинафша мунглиғ,
Хандон лаби гулнинг зўридан тиллонинг!

Гар бодани тоққа берса, тоғ рақс этади,
Ноқис киши майни қоралаб, наҳс этади.
Майдан сира тавба қилмагум — ушмундоқ
Бир нарсаки ул — тарбияти шахс этади!

Қорган кун лойимни ўшал кунда Худо,
Фельимда не ҳам бўлса — ўзи қилди ато.
Гар ҳукми биландир ҳамма айбим — бехато,
Кўргай нега дўзах ичра ёқмоқни раво?!

¹ К а л и с о — насронийлар ибодатхонаси, черков.

² С а л и б — насронийлар динининг рамзи, крест.

15

Эй дил, бу замондан сира эҳсон тилама,
Тартибни фалак чархидан, эй жон, тилама,
Дармон сўрабон ортади дардинг баттар,
Кўн дардига ҳар лаҳза-ю, дармон тилама.

16

Сабр айла, фалак остида гар бебоксан,
Май ич, бу жаҳон ўт эса, сен — хошоксан.
Аввал билла охириг, ахир, тупроқдир,
Рад айлама, бир кунн бўларсан хоксан...

17

Ултирса эдим — қўлимда буғдой нони,
Ёнимда яна шаробу қўйнинг сони.
Вайронада ёрниким бўлиб қурбони,
Топмас бу сафони ер юзин султони!

18

Бул чархи жафопешаки, олий бунёд,
Бир дилни ҳануз айламагандир обод.
Доғдир дили ҳар кимсани кўрсанг, сўзсиз,
Доғ узра қўяр доғ яна чархи бедод...

19

Жон оламида ақл ила иш тутмоқ хуш,
Дунё ишида яхшиси турмоқ хомуш.
То ўрнида эркан кўзу тил ҳамда қулоқ.
Топгайсан уларни унутиб осойиш...

20

Ҳар кимсани бор бўлса ейишга нони
Ҳам ўзига лойиқ уйи-ю ошёни,
Ул қул-да эмас бировга, ҳоким-да эмас,
Бас, қандини урсин ўша — хуш даврони!

21

Менга май ичиб, шод юрмоқлик — одат,
Фориғ яшамоқ куфр ила диндан — тоат.
Сўрдим: «Қалининг не?» — дея дунё қизидан,
Ул деди: «Қалин — шод дилинг ҳар соат».

«Бас, борми ариқким — суви ортга қайтар?» —
Шундай дея ўрдакка балиқ нақл айтар.
Ўрдак деди: «Бизларки, кабоб бўлсак гар,
Йўқ фарқи, жаҳон — сувми, сароб ё баттар...»

23

Дерларки, биҳишту ҳуру кавсар бордир,
Анҳор тўла май, сут, яна шаккар бордир.
Тутгилки қадаҳни тўлдириб илкимга,
Йўқ насяси, бас, нақди муқаррар бордир!

24

Эрмас эмиш нчмоқ сира шаъбонда раво,
Қўш сўнгра ражаб ойини — ул хоси Худо.
Оллоҳу расулга қўй бу икки ойни,
Сен ич рамазонда¹ май — бу ой бизники то!

25

Ҳар қанчаки менга ҳусни зебо берди,
Лола каби юз, қомати раъно берди.
Ўткинчи жаҳонда менга наққоши азал,
Билмам, не учун бунчалик оро берди?!

26

Ул кўзаниким бодаси йўқ — аҳволи бад,
Тўлдир косани, ўзинг ичу, менга узат.
То кўзага айлангунича тупроғинг
Умрингнинг ўтар ҳар онини бил ғанимат.

27

Ул фасли йигитликда шароб кўп яхши,
Зебо юз илан бодаи ноб кўп яхши,
Бул олами фоний эрур уйқую хаёл,
Бас, бунда яшаш масту хароб кўп яхши.

28

Кўнглинг тилаган ёр ила бўл бир умр,
Ишқ шавқи, ҳаёт завқига тўл бир умр,
Йўқлик сари кетмоқ эмиш охир қисмат,
Билмас бу абад уйқуни гўл бир умр...

¹ Ражаб, шаъбон, рамазон — араб тақвимида ҳижрий-қамарий йил ойлари.

29

Ҳеч кимга nasib ўлмади ул васли нигор,
 Тўлмай замон ҳасратидан кўнглига хор¹.
 Кўз ташла тароққа: то тилинмай бағри,
 Зинҳор яқинлатмади, бас, зулфига ёр.

30

Ул чарх қулоғимга шивирлар аста:
 «Бўлсайди қазо ҳукми менга пайваста,
 Бул бемаъни айланишни тарк этгайдим
 Битганда, башарти, гардишимга даста...»

31

Еш тўқди келиб ўт узра йиғлоқи булут,
 Шод этгали дилни қирмизи бодани тут.
 Шул сабза каби кўзни қувонтиргувчи
 Оромгоҳ ўлур бизнинг-да гулзори вужуд...

32

Айлангучи чархдан улушинг, дилбар, ол,
 Илкиннга тараб тахти аро соғар ол,
 Бас, тоату айбнингга Худо зор эмас,
 Дунёда мурод тухмини соч, гавҳар ол!

33

Биз май ичамиз майкадага нур киритиб,
 Бул ишни қилолмас киши минг тавба тутиб.
 Гар менда гуноҳ бўлмаса — раҳмат на қилар,
 Бас, кўрсатади раҳматини Тангри нетиб?!

34

Вайронада ёру мутрибу бодаю ман,
 Жону дилу жому тўн шароб дарди билан,
 Йўқ раҳмат илинжи-ю, азоб ваҳми абас,
 Кечдим ўту сув, хоку шамол ташвишидан!

35

Хайём тикар эрди чодире ҳикмат, оҳ,
 Ғам кўрасига тушди-ю ёнди ногоҳ.
 Миқрози² ажал кесди ҳаёт риштасини,
 Даллоли амал текинга сотди, эвоҳ...

¹ Х о р — тикан; дард-алам.

² М и қ р о з — қайчи.

36

Ишқ — боши жаҳон дафтарининг, маъноси,
 Ёшлик ғазалин матлаъси — муддаоси.
 Эй, англа, хабарсиз юрган ишқ олаמידан,
 Ишқ бирла яралган бу башар дунёси!

37

Ёшлик деган ул нома ўқилмиш — битмиш,
 Умримнинг баҳори қиш томон юз тутмиш.
 Билмайман, ўшал бахт қуши — ёшлик отлиғ,
 Бошимга қачон қўниб, қачон тарк этмиш?..

38

Наврўз кунини лола юзини ювди булут,
 Шаҳд айла-ю, тур — қўлингга соф бодани тут,
 Қабрингдан унар эртага — ҳеч қилма унут, —
 Сайр этганинг ушбу кун ҳамма сабзаю ўт...

39

Аслида умид донаси хирманда қолур,
 Боғ ҳамда сарой на сану на манда қолур,
 Бас, сийму зарингни доналаб йўққунча,
 Дўстлар-ла еб-ич, бўлмаса душманда қолур.

40

Ё Раб, не учун май жомини синдирдинг,
 Айш истагида эрди кўнгил — тиндирдинг,
 Мен ичдиму май — сен қиласан бадмастлик,
 Оғзим тўла қум айлаб, нима ундирдинг?!

41

Май кўҳнами, янги — биз харидормиз унга,
 Бир арпани ҳайф билгучимиз даҳри дунга.
 Сен қайга юбормоқни ўлар чоғ сўрама,
 Май бер-у, жўнат хоҳ биҳишт, хоҳ дўзахингга!

42

Тут бодани — очсин ўша баҳри дилимиз,
 Ҳуснинг била ҳал эт яна ҳар мушқулимиз,
 Бир кўза шаробни, кел, ичайлик бирга,
 Айлангунича кўзага бизнинг гилдимиз...

43

Истар эсанг умр асоси маҳкам бўлсин,
 Бир дам бу дилинг жаҳонда хуррам бўлсин,

Тарк айлама бир лаҳза шароб ичмоқни,
То лаззати умрингнинг дамодам бўлсин!

44

Ҳусн аҳлига улким лаби хандон бермиш,
Дард аҳлига ўз жигаридан қон бермиш.
Гар қисматимиз бўлмаса шодлик — ғам йўқ,
Шодмиз барибир, қайғуни чандон бермиш...

45

Бермиш туну кун даҳрга азалдан сайқал,
Чарх айланар эрди сира қилмай маҳтал,
Тупроққа қўй оҳиста қадамингники, ул —
Кўз гавҳари эрди бир гўзалнинг аввал...

46

Ишқида сулув ёрни дилим зор бўлмиш,
Ул ғамга бўлак ерда гирифтор бўлмиш.
Мен дардима дори истабон этсам саъй,
Ҳайҳот, табибимнинг ўзи бемор бўлмиш.

47

Ул лола юзини тонгда шабнам тутади,
Бинафша чаманда бўйинини ҳам тутади.
Яйрайди кўнгил ғунчага боқиб, рости,
Ёймас этагини у сира — жам тутади.

48

Бир лаҳза куфр манзилидан динга қадар,
Бир лаҳза гумон олаמידан чинга қадар.
Бул бир нафаси азизни хуш ўтказгил,
Бир лаҳза ҳаёт ҳосили — ўлгунга қадар...

49

Оввоза эмиш элда ғамим, эй соқий,
Андозасиз ул маст дамим, эй соқий,
Хаттингдан эрурман қариликда сархуш,
Дил тоза, баҳор ҳамдамим, эй соқий..

50

Қошимда мудом шароби ноб бўлса, на соз!
Ҳам тинглаганим наю рубоб бўлса, на соз!
Гар кўза ясар бўлса кулол хокимдан,
Ул кўза-да лиқ тўла шароб бўлса, на соз!

Биздан ўша Мустафога¹ айтинг-да салом,
Ул дам сўранг ундан айлаб эъзозни тамом:
«Саййид, шарнатда аччиқ айронни ҳалол
Айлаб, нега қилдинг покиза майини ҳаром?!»

Тортиб машаққатни киши ҳур бўлади,
Ул қатра садаф ичра яшаб дур бўлади,
Мол кетса, қолур ўрнига бошинг-ку омон,
Жом бўшаса, май-ла яна маъмур бўлади!

Бул кўза менингдек ошиқи зор эрди,
Бир сочи узун малакка хуштор эрди,
Бул дастаки, кўза бўйнида — эрди-ю қўл
Ҳам ўрни мудом гардани дилдор эрди.

Дедимки: «Бўлак бодаи гулгун ичмам,
Ток қонни эрур шароб, етар, хун ичмам».
«Жиддийми сўзинг?» — деб қари ақлим сўрар,
Кулдим: «Э, ҳазил бариси — нечун ичмам?!»

Май ичса магар гадо — амирликка етар!
Теккизса лабини тулки — шерликка етар!
Гар кекса татиб кўрса — яшаргай шаксиз,
Сипқорса йигит шаробни — пирликка² етар!

Ҳеч кимсани ранжитма илож топсанг агар,
Оғритма бирор дилни — сира сочма заҳар.
Гар мангу фароғатни этарсан тамаъ,
Чек ёлғиз ўзинг учраса ҳар қанча кадар.

Шундай ичайин майини — бу қул ўлса эди,
Ҳаттоки гўрим май ҳидига тўлса эди,
Қабрим қошидан ўтар экан ҳар кимса,
Ул май ҳидидан масту хароб бўлса эди!

¹ М у с т а ф о — Муҳаммад пайгамбарнинг лақабларидан бири.

² П и р л и к — қариллик, кексалик.

Охирласа умринг сени — аччиқми, ширин,
 Бағдодида ўлдинг нима, Балхида у кун?
 Ич майни, ҳилол сен била мендан сўнг ҳам
 Минг марта бўлур маҳву чиқар боз, тайин.

Қушмиз гўнē биз — икки оёғида дом,
 Дилхастан рўзгор, яна ошуфта мудом,
 Саргашта бу доирада — йўқ эшигу том,
 Етдик на тилакларга, бажо бўлди на ком.

Майхонада кўрдим битта чолни — хуммор,
 Сўрдим хабарин ўтгану кетганинг зор.
 Сўз қотди у: май ич, сени мендек бисёр.
 Тарк этди-ю дунёни — хабар йўқ зинҳор...

Бир қўлда қизил май, бирида ёр зулфи,
 Ултирса чаманда очилиб дил қулфи,
 Май ичса жаҳоннинг ташвишини чекмай,
 Ул зот биладир чин айш қилмоқ урфи!

Қай дамки, бинафша юзига ранг югурар,
 Пиртиш бўлади гул этагин елга ҳунар.
 Оқил киши гулшанда сулув ёрни қучиб,
 Май ичгаю май кўзасини тошга урар!

Дунёнинг ғами — заҳар, шаробдир дафъи,
 Йўқ бода ичувчига заҳарнинг хавфи.
 Ич сабада майни сабзахат ёрни қучиб,
 Кўмгунча гўрнинг сабзага қисмат лавҳи...

Гар биз йўқ эсак ҳам, бу жаҳон бўлгайдир,
 Биздан на бирор ном, на нишон бўлгайдир,
 Мавжуд эмас эрдик кеча — етмовди халал,
 Эртан яна йўқмиз — у ҳамон бўлгайдир...

Соз дилни мудом бода билан шод этсанг
 Ҳам ўтгану келмагани кам ёд этсанг,
 Боз устига, зиндоний омонат жонни
 Бир лаҳза ақл илқидан озод этсанг.

Тутгилки қадаҳ менга — суҳан чоғи, ҳабиб,
 Ул писта лабингким, бу кеча бўлди насиб.
 Кел, қўлга юзингдек майи гулгунни узат,
 Тавбам яна зулфинг каби кетмиш чувалиб...

Сайёди азал дона сепиб, дом қўйди,
 «Одам» дея сўнг ўлжасига ном қўйди.
 Айлаб ўзи бор яхши-ёмонликни мудом,
 Айбин авом устига ҳар айём қўйди.

Ҳушёр эканманки, қувонч пинҳондир,
 Гар маст эсам, ақлима бир нуқсондир.
 Мен бандасиман ул ҳолнинг — мастлик ила
 Ҳушёрлик аросинда — ҳаёт шул ондир.

Ул кунки, қилувдим кўзагар сори гузар,
 Ҳар лаҳза у кўрсатарди хокдан ҳунар,
 Боқиб унга кўнглим бир ҳақиқатни сезар:
 Хокини азизларни у илқида эзар...

Мисру Руму Чин агарда мулқинг бўлгай,
 Осмону замин қўлингда тутқун бўлгай,
 Бир газ еру икки газ кафан, билсанг агар,
 Бизларнинг улуш жаҳонда ул кун бўлгай.

Бизнинг ўша майхона саҳар берди садо:
 Эй, тингла мени, ринди хароботу гадо,
 Паймонани ол қўлга — етайлик тагига,
 Бўлгунгача паймонаси умрингни адо.

Дўстлик уйини ҳамиша бунёд этинг,
 Тез-тез кўришиб, бир-бирингиз шод этинг,

Қуйганда шароб косага соқий, мани
Бечорани ҳам дуо билан ёд этинг.

73

Тонг чоғида ул гулки, кулиб тўкилади,
Ел бирла ҳикоятни қилиб тўкилади,
Ўн кун ичида гул ниш урар, ғунча тугар
Ҳам очилар ул, ҳидга тўлиб тўкилади.

74

Ол кўза, пиёлаю қулоқ бер бу сўза:
Жой танла ариқ бўйию ҳам кўклик уза,
Ой юзли, алиф қадли малакларни фалак
Юз марта пиёла қилди, юз марта кўза.

75

Индиннинг жилови эрмас илкингда сени,
Сигмас қаричингга дунёнинг бўю эни,
Ойдинда симир майни, эй ой, то бу ҳилол
Топмай сира порлар неча сен бирла мени...

76

Гул фаслию, сув ёқасию, сабзада шод,
Ҳам улфату чору, бир ҳур ошиққа мурод.
Тутсин қўлига қадаҳ — саҳарда ичган
Бутхонаю масжидни сира этмади ёд.

77

Асрор эса пинҳон дилида дононинг,
Сир баҳсида лол қолдиради анқони.
Ул қатра дўнар дурга садаф ичра яшаб
Пинҳон сири бўлганлигидан дарёнинг.

78

Бегона яқин менга, вафо қилса агар,
Ётдир у қариндошки, жафо қилса агар.
Ёқмасми асал, йўқ сира ҳам шак, у — заҳар,
Болдирки заҳар, дардга даво қилса агар.

79

Бўстон сари йўл олди ўшал булбули маст,
Май жомию гул чеҳрасини топди, абас,
Ул дам унутиб ўзни қулоғимга деди:
«Қайтмас сира, билгил, ғанимат ушбу нафас!»

Тарк айламасингдан бу қадим оламни,
Ич бодани — қувгай у кўнгилдан ғамни.
Оч зулфини ҳурларнинг мудом бандма-банд,
Банд-бандга ажратмай бу чарх одамни...

81

Боқ, тонг елидан гул этаги чок бўлади,
Булбул етишиб ғунчага қувноқ бўлади.
Гул соясида ўтир, у қумга сингса,
Бизнинг-да вужуд эртага тупроқ бўлади...

82

Умринг югуриб зумда, ажаб, ўтгусидир,
Ўлтирма бепарвоки, тараб ўтгусидир,
Ғам чекма, хазон фаслини ўйлаб, соқий,
Ич май, кечалар бода сўраб ўтгусидир...

83

Бермоқ яширин сирдан хабар хоҳлайман,
Қилмоқ вале сўзни мухтасар хоҳлайман:
Ишқинг ила ер қаърига кирмоқни-ю, боз
Меҳринг ила топмоқни самар хоҳлайман...

84

Кўнглингни қилар замона ғамгин ҳар чоқ.
Пок руҳинг учар худди дарахтдан япроқ,
Бас, бир неча кун сабзада ўлтир, шод бўл,
Ўстирмайини ўт кўксида бизнинг тупроқ.

85

Соқий, гулу кўкликка назар сол — қувноқ,
Завқ этки, ўтиб ҳафта у бўлгай тупроқ.
Май ичгилу гул тер: яна бир боққунча
Гул қумга сингар, хашак бўлар ўт мутлоқ.

86

Эртан бу нифоқ илмини бас қилгайман,
Оқ сочим илан бодага қасд қилгайман.
Етмишга етибман, мана, шодликни демак,
Мен қилмасам энди, қай нафас қилгайман?!

87

Қуръонинки, беқадр калом ўқирлар,
Гоҳ-гоҳ, яъниким, олиб ором ўқирлар,

Бордирки пиёла четида бир оят,
Ҳар ерда уни ҳамда мудом ўқирлар.

88

Тўрт кун бу тириклик, баса, нўш айла шароб,
Тўрт кунлик умр қайтмагай — ўтказ беитоб.
Билгилки, жаҳон тутар хароблик сари юз,
Сен ҳам кеча-кундуз яша, бас, масту хароб.

89

Ишқ улки, фалак хуршиди янглиғ безавол,
Ишқ улки, чаманнинг қуши очган сара фол.
Булбул каби нола айламоқлик ишқмас,
Ишқ улки, унут нолани, гарчанд бу маҳол.

90

Токай бу замон ҳасратидан маҳзунсан,
Қўзлар тўла ёш ҳам дили лим-лим хунсан.
Ич бодани, сур айшни, кўнгилни хуш тут,
Чиқмай туриб ул доирадан бул кун сан...

91

Ҳар сабзаки, сувнинг бўйндан жой олмиш,
Ул талъати ҳур хаттини ёдга солмиш.
То сабза сари ташла оёғингни аяб,
Ул сабза санам чехрасидаги холмиш...

92

Кун яхши, ҳаво бўлса на совуқ, на илиқ,
Гулзор юзидан ювди булут чангни тўлиқ.
Булбул-чи, сариқ гул била ўзни унутиб,
Ушшоққа «шароб ич», дея бермоқда йўриқ.

93

Уйғонки, саҳар чоғида озода йигит,
Биллур каби жом ичра тутиб бода йигит,
Ҳар лаҳза фано кунжида ўткинчи эрур,
Топмас киши излаб уни сўнг, сода йигит...

94

Ҳар яхши-ёмонлики, башар табъида бор,
Ҳар шодлигу кулфатки, қадар лавҳига ёр.
Осмонга ҳавола этма, идрок йўлида
Сендан бу фалак ожизу бечораю хор...

Беморману дил имтиҳонимда менинг,
 Май ҳўпламасам — у қасди жонимда менинг.
 Боқ, турфа экан ҳар нима беморликда:
 Майдан бўлаги эмиш зиёнимда менинг.

96

Наврўзда қўлингга тут қадаҳ лола мисол,
 Топсанг яна лолаюз билан айла висол
 Ҳам ҳўпла шароб хурраму шод, кўҳна фалак
 Бир кун бу алиф қадни эгиб қилгуси дол.

97

Чарх узра биров зафар тўнин кийган эмас,
 Одамни ютиб, замин сира тўйган эмас,
 Кеккайма мени емади деб, ҳеч кимни —
 У навбати келганда емай қўйган эмас.

98

Тут қўлга шароби лолагун, эй соқий,
 Турсин жўш уриб кўзада хун, эй соқий,
 Бир ёри мунис жаҳонда йўқ, жом ичра
 Ул дўсти асилки, яширин, эй соқий.

99

Қўкламда қилиб нозли санам ҳимматни,
 Утлоқ бўйида тутса майи ишратни,
 Уйғотса-да эл ичра сўзим нафратни,
 Мендан кўра ит яхши, десам жаннатни!

100

Кун бўйи дегум: тунда қилар дил тавба,
 Май косасию кўзасидан ул тавба.
 Энди эса атрофда баҳор — тавба қаён?
 Гул мавсумида тавбасидан қил тавба!

НАЖМИДДИН КУБРО

(1145—1221)

Машхур шайх, йирик тасаввуф олими, халқ қахрамони ва оташнафас шоир Нажмиддин Кубро Хева яқинидаги ҳозирги Саёт қишлоғида туғилган. Унинг тўлиқ исми — Аҳмад ибн Умар Абулжанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий ал-Хоразмий. «Шайх валиятарош» — «Авлиёлар етиштирадиган шайх» номи билан шуҳрат қозонган бу улуғ инсон тасаввуфдаги машхур Кубравия тариқатига асос солган. Тариқат аҳллари зикри хуфийа (овоз чиқармасдан зикр қилиш) усулини тарғиб этганлар. Кубравия таълимоти асосан Марказий Осиё ва қисман Эронга тарқалган.

Нажмиддин Кубронинг ўнга яқин асарлари фанга маъаум. Унинг, айниқса, «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта усул»), «Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи»), «Рисолат ул-ҳоиф ул-ҳоим ан лавмат ил-лоим» («Қўрқувчи оловралар ва маломат этгучи маломатийлар ҳақида»), «Тафсир», «Шарҳ ус-сунна вал-масолик» («Сунна ва эгуликлар шарҳи») китоблари машхур. Кубро ўз асарларини асосан араб тилида ёзган. Фақат бошловчи сўфийлар учун қўлланма сифатида яратилган «Фи одоб ус-соликин» («Соликлар одоби ҳақида») асари ва рубоийларини форсийда битган. Инглиз шарқшуноси Ж. С. Тривингэм «Соликлар одоби ҳақида» асари тасаввуфнинг эронийлашувида муҳим босқич бўлганлигини қайд этади.

Баъзи бир тадқиқотчилар Кубронинг «Рубоийлар» китоби ҳам мавжудлиги тўғрисида маълумот берган бўлсалар-да, бу ноёб тўннам ҳали топилган эмас. Биз фақат атоқли шарқшунос Е. Э. Бертельс томонидан Кубро қаламига мансублиги тахмин қилиниб, турли тазкира ва баёзлардан танлаб олинган ва олимнинг «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти» китобида келтирилган 25 та рубоийгагина эгамиз.

Нажмиддин Кубро қаламига мансуб рубоийлар асосан тасаввуф дунёқароши тарғибига — Ҳақиқатни излаш, Оллоҳга бўлган ишқни куйлаш, Ҳақ йўлига даъват қилиш, Оллоҳ муҳаббатини қозониш мақсадида тариқатга кирган солиқнинг ҳол ва мақомнинг турли босқичларидаги ўй ва кечималари, ранжу изтиробларини тасвирлаш, сўфий-дарвешларни улуғлаш, нафси қоралаш, Ҳақнинг рамзи бўлмиш маъшуқа гўзаллигини таъриф-тавсиф этиш, гоҳ инсон умиди, гоҳ ҳижрон азобидаги ошиқ

ҳолатини ифодалашга бағишланган. Бу рубоийларда ишқни тарк этиш тилаги, бутхонага майл, шаҳид бўлиш орзуси, фақру фано ва бошқа тасаввуфий ҳолат-кечинмалар хусусида ҳам сўз болади.

Шундай қилиб, Кубронинг қатор рубоийлари тасаввуф таълимотининг у ёки бу назарий қондасининг шеърӣ ифодасидир.

1

Ҳар нарсаки, йўқми — йўқ ўшал мисли шамол,
Ҳар нарсаки, борми — оқибат топди завол.
Бор нарсани оламда гумон эт йўқ деб,
Йўқ нарсани бор дебон бироқ айла хаёл...

2

Йўлингда ақл ҳадис ва афсона топар,
Кўйинг сари йўл мардуми девона топар.
Савдойинг ила мен каби минг дилсўхта
Қаъбадин илик тортар-у, бутхона топар.

3

Ё раб, ўзинг асра, дил жудолик истар,
Сендин кечиб, ўзга-ла ошнолик истар.
Ишқингдин илик тортса — тутар дўст кимни?
Кўйингдин оёқ тортса — хатолик истар.

4

Ҳақ йўлига ҳар лаҳза саъй этмак лозим,
Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.
Дийдангни давола, зеро, олам ҳама — Ул,
Кўрмак Уни — асрорига етмак лозим.

5

Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлгай,
Дил дарди билан мард яна ҳам мард бўлгай.
Ўз ишқи ўтида у ёнаркан — бул дам
Дўзах ўти ўзгалар учун сард¹ бўлгай.

6

Эй дийда, ўзингсан бегумон душмани дил,
Сен боис учар елга ҳама хирмани дил.
Бас, солма назар бегона юзларга сира
Журм остида қолмасин, десанг, гардани дил.

¹ Сард — совуқ.

7

Ул бодани ичмадимки, ҳушёр ўлсам,
Ул маст эмасман дағи бедор ўлсам,
Тарк этсам адам¹ бирла вужудни, тонг йўқ,
Бир жилвайи ҳуснинг ила хуммор ўлсам.

8

Нақш этсаму тоатимни парча нонга,
Берсам уни итга — ётибон зиндонга,
Келган эса-да очлигидан афғонга²,
Урмас тишини номус этиб ул нонга.

9

Эй дил, бу қадар муфлис³ экансан, расво,
Сен лойиқи тоза ишқ эмассан асло.
Шиддатли алангадир бу ишқ — эрмас сув,
Ул ишқ ила булҳавас⁴ бўлолмас ошно.

10

Эй тун, ҳадемай саҳарга айлангайсан,
Бул дарди дилим қувишга шайлангайсан.
Мақсуд сари етказишга дилни балки,
Эй тонг, ўзинг, бешубҳа, сайлангайсан.

11

Пинҳон эмас асло — ичда бир дев бордир,
Бошини кўтармоғи унинг душвордир.
Иймонини минг мартаба талқин қилдим:
Ул асли азал муслим эмас, куффордир⁵.

12

Ишқингни бу мардонаю фарзона кўнгил
Бир сония тарк этмади, жонона, кўнгил.
Ишқ бодасини қўлимда тутган лаҳза
Лиқ тўлди жигар қонига паймона, кўнгил.

13

Сендан ҳама шўхлик ва паришонлигимиз,
Сендан ҳама ошуфтаю ҳайронлигимиз.

¹ Адам — йўқдек.

² Афғон — нолалар, фарёдлар.

³ Муфлис — бечора, бенаво; бефаҳм.

⁴ Булҳавас — енгилтак, беқарор.

⁵ Куффор — кофирлар, динсизлар.

Ҳар торига кокилингни дил бойлашимиз,
Сендан ҳама ғунча каби хандонлигимиз.

14

Дарвеш элига айлама таънаки, улар
Қандай туғилган эса — шундай ўлар.
Бир олам зар бергил-у, ол бир арпа —
Билмоқчи эсанг кимлигини асли улар.

15

Бир талъати¹ моҳки, оламоройи ҳама,
Васли кеча-кундуз таманнойи² ҳама.
Гар эл каби суймаса мени — вой менга,
Лек ҳаммани суйса мен каби — войи ҳама.

16

Бир кун кўрасанки, жон танимдан кетган,
Бошимга фиғон чекиб халойиқ етган.
Кошки келиб бошимда ўтирсанг, айтсанг:
Ўлдирган ўзим, ўзим пушаймон этган...

17

Васлингдан ўлиб дил фирўз³ тун охирида,
Ҳажрингдан ўлиб дидадўз⁴ тун охирида,
Эй, кокили кун сўнггида тундек зулмат,
В-эй, орази худди кундуз тун охирида.

18

Софий бўлиб, айла бир кеча оҳу фиғон,
Дунёни Яратган ҳаққи, қўзғол шу замон:
Ханжарни қўлингга олу эт ўзни шаҳид,
Ёр васлини истаса, нетар жисмин жон...

19

Ишқинг майини ичиб бу дил маст бўлгай,
Ҳажринг ғамини чекиб, у, бил, паст бўлгай.
Бир боқсанг агар — кўйингда тупроқ бўлган
Жонсиз танага жон яна пайваст бўлгай!

¹ Талъат — юз, чеҳра; ғўзаллик, ҳусн.

² Таманно — истак, умид, мақсад.

³ Фирўз — бахтли, ғолиб.

⁴ Дидадўз — интизор.

Ҳар кимки, қилар кўргали ул юзни талаб,
 Енгиб ғурурини, айласин ўзни талаб.
 Ул қайда-ю, биз қайда — кўрнинг қисматни:
 Сомон бўлибмиз қилиб юлдузни талаб..

21

Ул моҳлиқоларки, асил юрти Чиғил¹,
 Тупроқми асоси ёки нур, сўйла-чи, гил?
 Кўнглингни олиб қўлга, қилар қасд жонга,
 Воҳ, бу не балоки, этди ҳолимни чигил.

22

Сумбул сочидан мен бегумон кўрқарман,
 Хатти хушу феъли беомон — кўрқарман.
 Халқ кўрқса ёмон кўздан агар, мен шўрлик
 Яхши кўзидан ёрнинг ёмон кўрқарман.

23

Ҳар сабзаки, сувнинг бўйидан жой олмиш,
 Ул талъати ҳур аксини ёдга солмиш.
 Хорлик била лолалар уза қўйма қадам,
 Ул лола санам вужудидан тимсолмиш².

24

Банданга фақирликни шиор этмишсан,
 Ҳам ёрсизу маҳрамсизу зор этмишсан,
 Бас, қайси ибодатим учун мен бирлан
 Дўстлик ва яқинлик ихтиёр этмишсан.

25

Сенсан икки оламни яратган Биру бор,
 Кўйингда ўлиб бандаларинг хоку ғубор.
 Сендан — улашиш ризқини ҳар жонзотнинг,
 Сендан яратиш — хоҳи мўғул, хоҳи тотор...

¹ Чиғил — қадимги туркий қабилалардан бирининг номи.
 Чиғил қизлари ўз гўзалликлари билан машҳур бўлганлар.

² Бу рубой Умар Хайёмга ҳам писбат берилади.

МАЖДИДДИН БАҒДОДИЙ

(вафоти 1217)

Шайхи валиятарош Нажмиддин Кубронинг шогирди ҳамда улуғ авлиё ва оташнафас шоир Фаридиддин Атторнинг устози бўлган Шайх Маждиддин Бағдодий турли манбаларнинг хабар беришича, Хоразмнинг Бағдодак деган қасабасида туғилган. Тўлиқ исми ва кунияти — Абусайд Шараф ибн Муъаййад. XIII аср тасаввуфий тараққиётига катта таъсир кўрсатган бу буюк шайх ва шоир Марказий Осён ва Шимоллий Форс ўлкасида шуҳрат қозонган. «Сафар рисоласи», «Тухфат ул-барара» («Яхшилар совғаси») каби тасаввуфга оид асарлари ва сўфийна рубойлари мавжуд.

«Тангри наздида энг маъқул жиҳод золим подшоҳга айтилган ҳақ сўзidir», — деган ҳадисга амал қилган Маждиддин Бағдодийни Муҳаммад Хоразмшоҳни тўғри йўлга солишга урингани учун 1217 йилда Амударёга чўктириб ўлдирадilar.

Ўзбек китобхонлари Маждиддин Бағдодийнинг ҳаёти ҳақида ҳам, ижоди ҳақида ҳам бирор маълумотга эга эмаслар. Адабиётимиздаги ана шу кемтикчи бир оз бўлса-да тўлдириш мақсадида Е. Э. Бертельс турли қўлёзма манбалардан топиб, ўзининг «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти» китобида эълон қилган шайх-шоир рубойларини таржима қилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишни лозим топтик.

Маждиддин Бағдодий рубойлари унинг оташин шоир бўлганлигидан далолат беради.

1

Шамъ бўлса юзинг, кўйида парвона ўзим,
Дардингга қариндош дилу бегона ўзим,
Бўйинингда узалган ўша соч занжирини
Ташла мени гарданимга — девона ўзим!

2

Ишқ шабнамидан хоки башар гил бўлди,
Юз фитнаю шўр жаҳонда ҳосил бўлди.
Жон томирига урдилар ишқ наштагини,
Томди-ю бир қатра, оти — дил бўлди¹.

¹ Бу рубойи Абусайд Абулхайрга ҳам нисбат берилди.

3

Кўнглимда фироқ туфайли минг қайғу бу кун,
Умр ипига чарх солди тугун узра тугун.
Ғам устига ғам қўшма бузиб аҳдни яна,
Кўнглимда фироқ туфайли минг қайғу бу кун.

4

Ул баҳри муҳитга¹ кирмак истар кўнглим,
Ё чўксаму ё инжуга тўлса қўйним.
Этсайдим адо — ишинг хатарли гарчи,
Ишқ рангига эврилса юзим ё бўйним...

5

Дунёси тугаб, қоронғулик келса сиқиб,
Бошлар кўтарилганда мазорларни йиқиб,
Бечора шаҳид танним ҳам — ўз қонига фарқ,
Тўзони қиёмат ичра келмасми чиқиб...

6

Ёр кокилининг куфридан иймон ёғилар
Ҳам нўшлабидан² чашмаи ҳайвон³ ёғилар.
Ул каклиги хушхиром каби раъносан,
Юрсанг, қадамингнинг чангидан жон ёғилар!⁴

7

Эй, ўзини ишқ ичра билувчи якто,
Таън этма кўриб тириклигимни, зеро
Мавжудлигим ишқ туфайли, жонни этдим —
Ул ёрни мушоҳада қилай деб пайдо.

8

Зулфи дея минг дилда қиёмат қўпди,
Бир торини ким топди-ю, тутди, ўпди:
Ҳар кимсаки, топди — топди давлат буюк,
Ҳар кимсаки, топмади — ўшал дард топди...

9

Ёр хаста кўнгилини бегумон хоҳлайди,
Сўрдим: не учун ўшал чунон хоҳлайди?

¹ Баҳри муҳит — денгиз.

² Нўшлаб — ширинлаб; маҳбуба.

³ Чашмаи ҳайвон — тириклик булоғи, обиҳаёт.

⁴ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

Ул дамки, кўзимни йўлыга тиксам зор,
Келтирдики мужда: ўша жон хоҳлайди...

10

Ишқ йўлида ким бошни фидо деб билмас,
Мот этмаса ушшоқни — ўшал комилмас,
Кўйингда аниқ рутбаси бўлмас кишининг,
То бошдан-оёқ амалларингни қилмас.

11

Пок этгали тийнатимни¹ машғул эсаме,
Кўк кийгучиларга бошу бедил эсаме,
Майхўрга бўлибман энди бир дўсти асир,
Май сотгучиларга кошки бир қул эсаме.

12

Бир тийғи жафо қолган эмас, зебо ёр,
То урмаган ўлса уни дилга минг бор.
Мен тавба этарман ишқидан ҳар лаҳза,
Минг тавбани бир ноз ила айлар бекор.

13

Сўйла, эй кўнгил, англамиш асрорини ким?
Сўйла, эй қулоқ, тингламиш гуфторини ким?
Кўрсатса-да маъшуқ кеча-кундуз ҳуснин,
Сўйла, эй нигоҳ, илғамиш дийдорини ким?²

14

Чарх, ойу кун орзуйи висолингда сенинг,
Сарву гулу лола қулдир оллингда сенинг,
Покиза малакларнинг арвоҳи мудом
Абжад ўқишар лавҳи хаёлингда сенинг³.

¹ Тийнат — хулқ, феъл.

² Бу рубоий Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилади.

³ Мисравинг маъноси: Ҳар лаҳза ошиқлик дарсини ўқишади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

(1207—1273)

Жалолиддин Румий — жаҳон адабиётининг муаззам сиймоларидан бири. У ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб адабиётига катта таъсир ўтказди. Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталари Мавлонони ўзларига устоз, деб билишган. Буюк Ҳёте Абулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофизлар қаторида Жалолиддин Румий ижодини ҳам «Хизр чашмаси» деб атаган. Машҳурликда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Саъдийнинг «Гулистон»и, Ҳофизнинг «Девон»и билан бир қаторда турган, форсий Қуръон номи билан шуҳрат қозонган «Маснавийи маънавий»ни инсон маънавий ҳаётининг қомуси сифатида нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ихлос билан ўрганишган. «Декамерон» асаридagi кўнлаб сюжет ва мотивларни Шарқ отзаки ва ёзма адабиётидан олган Жовани Боккаччо «Маснавийи маънавий»даги қатор ҳикоятлар асосида ҳам новеллалар яратганлиги маълум.

Жалолиддин Румий ижоди юксак бадиияти билангина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир қувватига эга. Таниқли адиб Радий Фиш сўзлари билан айтганда, шоирнинг «мавҳум мантиқий категорияларда эмас, балки оташин шоирона тинсоллар воситасида» талқин этилган табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши — «дунёнинг зиддиятлар бирлигидаги зиддиятлар жанги»дан иборатлиги тўғрисидаги қараплари буюк олмон файласуфи Гегелнинг эйтирофича, унга диалектик метод яратишга ёрдам берган. Еки улур мутафаккир Хусн ва Ишқ тортилиши мисолида биринчи бўлиб оламнинг асосида ўзаро тортишиш кучлари ётиши ҳақидаги фикрни ўртага ташлайдики, мазкур қонуннинг чиндан-да амал қилишини бир печа асрдан кейин инглиз олими Ньютон каниф этди.

Жалолиддин Румий ижоди усмонли турк адабиётининг сарчашмаси ҳисобланади. Зеро, шоирнинг миллати — турк, келиб чиқиши — хоразмлик. Унинг бувиси Алоъиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи бўлган. Мавлоно таваллуд топган Балх шаҳри у даврда Хоразмшоҳлар давлатига қарар эди. Ҳозирда Афғонистон ҳудудида бўлган бу қадимий ва довгдор шаҳар аслида узоқ асрлар мобайнида Турон мулкининг машҳур шаҳарларидан бири ҳисобланиб келган.

Жалолиддин Румий шеъринини асосан илоҳий ишқ билан боғлашади. Бу бежиз эмас. Зеро, Мавлоно ўзининг 53 мингдан ортиқ мисрани ўз ичига олган «Маснавийи маънавий»си, 84 минг сатрдан иборат «Девони Кабир» («Улуғ девон»)ида еру кўкнинг

сарвари бўлмиш Оллоҳи Каримни ва унинг заминдаги халифаси —
Ҳазрати Инсонни улуғлайди.

Маълумки, Жалололдин Румий ўз даврининг анъанавий ада-
бий тили бўлмиш форсийда ижод қилган. Бизда шонр ижодини
ўрганиш ва тарғиб этиш Радий Фишнинг «Жалололдин Румий»
деб номланган тарихий-биографик романини таржима қилиш
билан бошланди. Шундан кейин забардаст мутаржим Ш. Шому-
ҳамедов Румий ғазаллари, рубойлари ва маснавийларидан бир
нечтасини ўзбекчага ўгириб, форс-тожик мумтоз шонрлари асар-
ларидан ташкил тошган «Инжулар уммони» китобида эълон қил-
ди. Яқинда эса Ж. Камол Румий рубойлари ва маснавийлари-
дан намуналар таржима қилиб, «Учмоққа қавот йўқ вале учгай-
ман» номи билан алоҳида китобча ҳолида нашр эттирди. Биз
ҳам буюк Жалололдин Румий рубойларидан намуналар таржима
қилиб, уларни зукко ўқувчилар назаридан ўтказишга журъат
этдик.

1

Яшнаб, очилиб менга қараб келдингми?
Макрингни табассумга ўраб келдингми?
Ул кун кетиб эрдинг-ку олиб қалбимни,
Бул кун яна жонимни сўраб келдингми?

2

Ишқ ул — токи халқ учун саодат бўлсин!
Ишқ ул — бу саодат то қиёмат бўлсин!
Ул ишқ мени туғди аслида — она эмас,
Ул онага минг таҳсину раҳмат бўлсин!

3

Биз ошиқи ишқмизу мусулмон бошқа,
Биз заиф чумолимиз — Сулаймон бошқа.
Биздан сўра куйган дилу сомон юзни,
Ким савдо қилар мол била — дўкон бошқа.

4

Утган кеча мен эрдим-у, жон маҳрами боз,
Мендан ҳама зор эрди-ю, ундан ҳама ноз.
Тун ўтди-ю, етмади бироқ сўнггига сўз,
Тунда не гуноҳ, бўлса узун дилдаги роз?!

5

Ул ёр ҳавасида дил рубобдир, рубоб,
Ишқ ўтида қоврилиб кабобдир, кабоб.

Дардим эшитиб этса сукут дилдорим,
Шул жимлиги менга минг жавобдир, жавоб.

6

Ногоҳ эшигим ҳатлади ул дилбари маст,
Ултирди, май ичди, ушалиб мангу ҳавас:
Ёр сочини кўриб ва тутиб, оҳ, у нафас
Айланди юзим кўзга, кўзим қўлга абас.

7

Дилтангман-у, дийдори эрур дармоним,
Ойдек юзи бўлмаса, замон — зиндоним.
Ҳеч дилга яқин келмасину ҳеч танга
Ул қайғуки, ҳижронида топди жоним.

8

Оламда вафоси йўқ киши кам бўлсин,
Ҳар бир куни бевафонинг мотам бўлсин.
Ёд этмади ғамдан ўзга ҳеч кимса мени,
Минг таҳсину раҳмат сенга, эй ғам, бўлсин!

9

Бизнинг бу азобларга сабаб тамаъи хом.
Халқум ғами, ҳою ҳавасу ҳирси ҳаром.
Кўз ташлаю тўрқовоққа, фикр айла: мудом —
Бир дон ила қуш қисмати ҳал бўлди — тамом!

10

Келган эди кеча лутф этиб дилдорим,
Мен тунга дедим: «Айлама фош асрорим».
Тун қилди жавоб: «Бўлса қуёш сен бирла,
Мен тонгни олиб келай қаёқдан, ёрим?!»

11

Бўстону баҳору сарви оли (й), эй жон,
Ҳеч ерда бунинг борми мисоли, эй жон,
Ёп аста эшикни-ю, юзинг оч, эй жон,
Мен борману Сен ҳам хона холи, эй жон.

12

Эй, султону фаҳри ҳама дилдорларнинг,
Жолинусисан¹ ишқ ила беморларнинг.

¹ Жолинус — буюк ҳаким Гален.

Биз жамъ бўламиз ул КУНи бўстонигда,
Жамъ бўлгани соз эмиш у КУН ёрларнинг.

13

Ёр келар эрди масту танҳо-танҳо,
Кўзи тўла ноз-ишваю раъно-раъно.
Тўсдим йўлини бўса олай, деб лабидан,
Фарёд кўтарди ўша: «яғмо-яғмо!»¹

14

Тундан мурод улки, маҳв ўлиб бегона,
Хилватда қилар васл ошиқи фарзона.
Бул кеча, чунончи, хосу ой — ҳамхона,
Мен — мастману ой — ошиқу тун — девона.

15

Эй бода, ўзинг адлни бунёд этасан,
Бир жом била минг бандани озод этасан.
Сен борки, мудом кўзим қуёшдек равшан,
Сен борки, ситамга тўлса дил — шод этасан.

16

Ишқ дардига дилни мубтало истарман,
Жонни у бало ўқига жо истарман.
Умримки, кўйингда оҳ уриб ўтмаса гар,
Дил қонига ботганча қазо истарман.

17

Лутф этса чақир тошга — у жонона бўлар,
Бир лаҳзада ишвалари мастона бўлар.
Қўш кокилининг занжири зоҳир ўлса,
Луқмони Ҳаким мажнуну девона бўлар!

18

Ул ёрки, мени ўз ғамига боғлайди,
Сўнг писанд этмай юрагим доғлайди.
Ғамгин эканим кўрса у пинҳон-пинҳон
Ҳам ширин-ширин кулиб дилин чоғлайди.

19

Ушшоқ гурунгида қарор ўзгачадир,
Бу севги шаробида хумор ўзгачадир.

¹ Яғмо — талон-тороғ, ғорат.

Ул илмки, мадрасада бўлмиш ҳосил,
Бас, ўзгаю ишқи гулғузор, ўзгачадир.

20

Бул кеча мену мен каби бир аҳволи танг,
Боғ ичра тузиб давра, унга бердию ранг:
Бор бунда шароб бирла кабоб ҳамда рубоб,
Кошки бари йўқ бўлса-ю, Сен бор бўлсанг!

21

Дил ичра, диловарим, дилафрўз сенсан,
Кўп дўсту яқинлар вале дилсўз сенсан.
Наврўзу ҳайит шавқи билан шод кишилар,
Бул кун мен учун ҳайиту Наврўз сенсан!

22

Ишқингда бўлибман чинакам девона,
Уйқумни бузар қўш кокилинг, жонона.
Ул деди: «Етар, сўйлама кўп афсона,
Девонадан уйқу бўлади бегона!»

23

Най сўйлади: мен ҳур эдим аслида — бироқ,
Ишратпешалар урди-ю бағримга пичоқ,
Етказди улар танга — захм, жонга — фироқ,
Айб этма, шу боис йиғласам гоҳи узоқ.

24

Умр ўтди кўролмай орзули гулзорин
Ҳам нозу карашмали кўзин — хумморин.
Элдан яширин эмиш ўшал мисли вафо,
Кўп бўлди кўролмадик ниҳон рухсорин.

25

Улсам, сира йиғламанг тутиб исмимни,
Ёримга бериб қўйинг менинг измимни.
Бўлманг сира ҳайрон, ўша бир бўса билан
Тиргузса менинг бу совуган жисмимни.

26

То ёнди юзинг шамъи-ю, парвона бу жон,
Кўйингда бўлиб сабр ила бегона бу жон.
Кўз мардуми беқарор жамолинг боис,
Кўрган каби бир парини девона бу жон.

27

Ул ёри ситампеша сафар этгайдир,
 Чархдек мени ҳам зеру забар¹ этгайдир.
 Ул шеру шикориман мен илкида унинг,
 Дилни еди-ю, қасди жигар этгайдир.

28

Ул ёр кўйидан қачон жудо бўлгаймиз,
 Инглаб ғаму ҳасратда адо бўлгаймиз.
 Ул шамъ каби топиб эътибор кўз ёшидан,
 Ул чанг каби манбаъи наво бўлгаймиз.

29

Ҳар қайда шароб бўлса, рубоб ҳамда кабоб,
 Ул жойда хароб бўлса, не тонг, ғам ва азоб.
 Гул, сабза каби давра тутиб сув бўйида,
 Эй дўсту яқинларим, ичинг, тоза шароб!

30

Кўйингда менга насиҳату панд на керак?
 Ишқ заҳрини тотдим, етар, қанд на керак?
 Эл дейди: «оёғига уринглар занжир»,
 Телба — дил эса, оёқ учун банд на керак?

31

Ҳар кимсанинг кўксида ушоқ дил бўлгай,
 Ишқсиз яшамоқ ўшанга мушкул бўлгай.
 Бул ҳалқама-ҳалқа зулф занжири билан
 Девона киши бўлса, у оқил бўлгай.

32

Ишқсиз қувончинг сира афзун бўлмас,
 Ишқсиз вужуд ҳам хўбу мавзун бўлмас.
 Дарёга ёғар бўлса магар юз томчи,
 Ишқ тўлқинисиз у дурри макнун² бўлмас.

33

Гар жабр этар, аҳдининг не қиммати бор?
 Гар заҳр берар, шаҳдининг не қиммати бор?
 Халқ наздида жаҳд айламоқ эзгу ишдир,
 Бул хаста кўнгил жаҳдининг не қиммати бор?

¹ Зеру забар — остиг-устиг.

² Дурри макнун — садаф ичидаги қимматбаҳо дур.

34

Ишқ асли камол бирлаю, дилбар-чи — жамол,
 Сўз қайнару дилда, тил уни айтгали лол.
 Борми яна бундан-да ўтар антиқа ҳол:
 Мен ташна-ю, қошимда оқар оби зилол¹.

35

Бир байт ўқиб эрдим — малагим ранжиди:
 «Байт ичра банд айлаш мени лозимми эди?»
 Айтсам: «Нега байтимни бузарсан, эй жон?»
 «Мен байтга сиғарманми, ўзинг ўйла?» — деди.

36

Банд этма сира ҳарифи ғамгин қошини,
 Тарк этма сира суҳбати ширин қошини,
 Бўстонга кириб, борма тикан қошига ҳеч,
 Бўш қўйма сира суману насрин қошини.

37

Эй соқий, бугун сенинг хуморинг бўлдим,
 То тунга қадар кўп интизоринг бўлдим.
 Май беру халос айла бу дунё домидан,
 То тонгга қадар бу тун шикоринг бўлдим.

38

Қабрим ёнидан ўтса, башар маст бўлгай,
 Сал тўхтаса, маҳшарга қадар маст бўлгай,
 Уммон сари борса, баҳру бар маст бўлгай,
 Ўлса, уни қабри сарбасар маст бўлгай!

39

Шок ишқима рашк этгусидир оби зилол,
 Бу севги билан машғул ўлиш менга ҳалол.
 Гар ўтса бировлар ишқи ҳолдан-ҳолга,
 Йўқдир мени маъшуқаму ишқимга завол.

40

Кўнглимга яширмагайман — афгор бўласан,
 Дийдамда мужассам этмагум — хор бўласан.
 Жон ичра берай жой сенга — дил, кўздан эмас,
 То сўнгни нафасгача ўзинг ёр бўласан.

¹ Оби зилол — тоза, тиниқ сув.

Сочининг ҳар торида бордир бир жон,
 Сочдек мени ҳам қилди паришон жонон.
 Билгайми ўшал: ғамим фаровон не учун?
 Боиси: унинг нози фаровон чандон!

Ул бонги Сирофилдан¹ эмиш пайдо рубоб,
 Дилларни тирилтирди, магар эрди кабоб.
 Уйғонди унут ўйлар — балиқлар худди
 Чиққан каби сув остидан устига шитоб.

Ел гулни тўкар устига хумморларнинг,
 Ёр майни қуяр соғарига ёрларнинг.
 Сунбул сочи атторлар ишин этса касод,
 Шўх кўзи тўкар қонини ҳушёрларнинг.

Боғ йўлида дилбаримга бўлдим ҳамроҳ,
 Гулга назарим тушди ўшал дам ногоҳ.
 «Чеҳрамни қўйиб, гулга қарайсан не учун?» —
 Деб тоза уялтирди фақирни ул моҳ.

Бир дам сенга дилбаринг магар маҳрамдир,
 Тақдирдан улуш сенга ўшал бир дамдир.
 Зинҳор у илоҳий дамни этма зоеъ,
 Чунки ҳаётингда бу каби дам камдир.

Дарё каби дийдамга санам урса тикан
 Ҳам қил каби дилни тилса ғам тиғи билан,
 Асло этагидан қўл узиб кетмасман,
 Минг ҳийлани ул дафъим учун қилса-да фан².

Ёмонлик этиб, яхшилик истар эса ким,
 Билгилки, ўшал кимсанинг иймони ярим.
 Беш қўлдек аён-ку, арпа эккан кишига
 Бермаслиги буғдойни худованди карим!

¹ Сир о ф и л — Исрофил фаришта. У қиёмат кунини эълон қилиб, сурнай чатади.

² Ф а н — бу ерда: ҳунар, касб.

48

Шаккар конида солса чивинлар ғавғо,
Шаккар кони айларми уларга парво.
Қуш бир қўниб учгани билан ул тоғнинг
Ортди бирор ери-ю, кам бўлдими ё?

49

Бул кун тавоф этгум ёр кошонасини,
То тонггача қилмайин тарк хонасини.
Вақт бўлганида дафъи хумор айлаш учун,
Бош косасидан ясай паймонасини.

50

Мен хастаю зору нотавон ёр ғамидан,
Кўздан ёш эмас, оқади қон ёр ғамидан,
Бўғзимга етар бўлса-да жон, ёр ғамидан,
Ё Раббим, айирма ҳеч қачон ёр ғамидан!

51

Ҳамсуҳбатимиз бул кеча ул дилдорнинг,
Ўтмас нималар хаёлидан хушторнинг:
Бошлар уза гоҳ чаманда гул сочилса,
Шаккар ёгади ўрнингга гоҳо қорнинг.

52

Ошиқлик ишин камолидан ўргандим,
Битмоқни ғазал жамолидан ўргандим.
Қўнглим уйида хаёли рақс этгайдир,
Мен рақсни ҳам хаёлидан ўргандим.

53

Айтдим: «Санамим, сен — маю мен — паймона,
Мен ўлдиму сен эсанг жону жонона.
Оч энди вафо эшигин» Айтди: «Жим бўл,
Девона кишига не керақдир хона?»

54

Эй, тургил-у, киргил ўша нек ном қошига,
Хуш суҳбатин олгали дилором қошига,
Бир домни қўйиб, кел, яна бир дом қошига,
Гар қувса эшикдан, келавер том қошига.

Ёр деди: «Кўзинг ёшини Жайхун этаман,
Кўнглингни фироқ тоғида тутқун этаман.
Жисмингга ишонма сира — уч кунда уни
Ғам ўғирида туйиб-туйиб ун этаман!»

Жабрингча хуш эрмас, ўзга минг қилса вафо,
Қайғунгча хуш эрмас, ўзга минг қилса сафо,
Нозингча хуш эрмас, ўзга кўрсатса лиқо,
Қаҳрингча хуш эрмас, ўзга минг айтса сано.

Ҳар кун кўриниш бериб кетиб, эй дилбар,
Бошимга солурсан неча савдон дигар.
Жон соғарини тўлдирибон тут бу саҳар,
Эй, сен менинг жонимга падар ҳам модар!

Бегона гурунгидан эсанг бегона,
Ҳақ сўзни сенга айтади бул девона:
Юз уйни тўлатгунг аридек бол бирла
Ғайр аҳлидан агар холи бўлса хона.

Бул кеча шароби жон мудомдир, мудом,
Соқий шоҳу бода бардавомдир, давом,
Асбоби тараб жумла тамомдир, тамом,
Уйқу дили бедорга ҳаромдир, ҳаром.

Ишқ оташида музлар эриб сув бўлади,
Ишқ ўтида тобланса, тош инжу бўлади.
Ушшоқ гуноҳини оғир олма, эй дўст,
Ишқ бодасидан улар беқайғу бўлади.

Тун ўтди, вале этмади тарк бошимни
Қайғули муножоти қаламқошимни.
Ул тунда эрур уйқуму кундуз эса нур,
Ул бўлмаса, тун-кун тўкамен ёшимни.

Келди-ю кўзимга хуш хаёлинг, моҳтоб,
Ҳар икки кўзим шу лаҳза ёш тўкди шитоб.

Кўзларни қулоғига дедим оҳиста:
«Сийланг азиз меҳмонни қуйиб бодаи ноб».

63

Биздан ўша шўх дилбари айёр қочади,
Ёринг бўлайин десак агар ёр қочади.
Ул ақли мунаввардир-у, биз масти унинг,
Хумморни мудом ақл этиб хор қочади.

64

Эй бонги рубоб, дилимда тобим бордир,
Дил қаърида менинг-да рубобим бордир.
Гар тушса йўлинг бир дам азиз меҳмон бўл,
Мен қулни-да кулбаи харобим бордир.

65

Келди эшигимга кеча ёри шайдо,
Дедим: «Жўна, бемаҳалда бўлдинг пайдо».
Қайтаркан изига деди: «Қизиқ савдо,
Давлатга эшик очмас — у тентакми ё?»

66

Эй ёр, нима гап, жаҳон йўқолди кўздан?
Осмону замин қаён йўқолди кўздан?
Сен майни қўлимга берма, тут оғзимга,
Қайф ошганидан даҳон¹ йўқолди кўздан...

67

Ишқинг ҳаваси бошда-ю, зорман доим,
Қўйинг аро масту беқарорман доим,
Гар бор-йўғи бир кун хумор бўлгай маст,
Мен ул маст эрурманки, хуморман доим.

68

Чек қўяди бу замона бор оҳ-воҳга,
Бир кўз-да қарар фалак гадою шоҳга.
Ҳар кимса ғурурга маст ўзича, аммо,
Ҳайдайдн ажал барчасини бир чоҳга...

69

Эй дил, сира яқин йўлатма ғамни,
Эп кўрма ҳечам суҳбати номахрамни.

¹ Даҳон — оғиз.

Кўкат била нонга гар қаноат қилсанг,
Кўкат, дея билма жумла бу оламни.

70

Дил келди-ю айтди: «Ёр савдоси узун»,
Тун келди-ю айтди: «Зулфи раъноси узун»,
Сарв келди-ю айтди: «Қадди зебоси узун»,
Қилсин шунга мос умрни Оллоси узун!

71

Ишқ ул — унга эргашиб балолар юрса,
Ошиқмас у — кўрганда бало юз бурса.
Ишқ оламида аталгай мардлар марди
Ким ишқ каби жонга тегсаю жон берса...

72

Ҳижрон қанотин қайирса уммид қушини (нг),
Ўлдирса жафоси яна дил хоҳишини,
Ошиқ сира тушмайди умидсизликка,
Мақсад сари элтар асли қиммат кишини!

73

Бул фасли баҳор эмас, бул фасли дигар,
Кўзларни хумор этгучининг васли дигар.
Ҳар қанчаки новдалар туташ рақс этса,
Ҳар шохни қимирлаши бўлар асли дигар.

74

Эй пойқадамингдан бу замин хурраму шод,
Юз ғунча қувончидан кўпайтирмиш зот.
Осмонга тушиб ғулғула ул фурсатда
Ойнинг кўзи юлдузга тушибдир, ҳайҳот.

75.

Тавба, дилини ўшал санам тош қилмиш,
Қасд олгали отланганини фош қилмиш.
Зулфи каби кўп чувалди тавбам — унга зулм
Андоқ қилайин, менга қаламқош қилмиш.

76

Кўзимни қитиқлар ҳар замон нози унинг,
Янграр қулоғимда мудом овози унинг,
Ўзимча манам ошиғу ҳамрози унинг,
Қандай яширай маст айласа рози унинг?!

56

Кўкни тўла нола айласам, маъзурман,
 Даштни тўла жола айласам, маъзурман;
 Сен жоним эурсан — чопаман ортингдан,
 Жонни ортда вола айласам, маъзурман.

Инсоф била айт, ишқ эзгуликдир асли,
 Булғар уни кимнинг юраги кир асли.
 Пок севгига ўхшатма ҳаром шаҳватни,
 Чунки бири осмону бири ер асли.

Кимнинг тилаги эрур мудом манзили жон,
 Кимнинг тилаги эрур мудом луқмаи нон.
 Бу нуктанинг маънисини чаққилки, аён:
 Ким не тиласа — етгуси унга бегумон!

Жон тунда балиқ, кундуз илон эркан, оҳ,
 Уйлаб қара, сенга қайси бир жон ҳамроҳ?!
 Ҳорут¹ каби сеҳру жодудир касбинг гоҳ,
 Гоҳ Зухрани қўриқчисисан худди моҳ.

Қилгайми бу қулларга у бир наззора,
 Биз топдигу чора, қолди ишқ бечора.
 Жон нима? У бир заиф гўдак бешикда,
 Дил нима? У бир ғариб эрур, бечора.

Бергуси бўлак ҳаёт кунинг битса Худо,
 Гар умри фано қолмаса, бор умри бақо.
 Ишқ обиҳаёт эрур — унинг баҳрига кир,
 Ҳар қатраси бир ўзга ҳаётдир унинг, о!

Гоҳ ҳурлар этади рашк — андоқ покмиз,
 Гоҳ ваҳмага девлар тушади — бебокмиз,
 Ҳаммоли Худомиз асли — тани хокмиз,
 Бу саъй ила мавжудот ичинда тоқмиз.

¹ Ҳорут — фаришта. У Морут номли фаришта билан бирга аёлга ошиқ бўлганлиги учун Худо ғазабига учраб, Бобулдаги чоғга ташланган. Кимки сеҳру жодудан сабоқ олмоқчи бўлиб, чоғ қошига борса, Ҳорут унга бу фандан таълим беради.

Бир қатра юзинг сувидан ул обиҳаёт,
 Бир зарра нурингдан этдинг ойни бунёд.
 Моҳтобни тилаб эдим узун кечада мен,
 Тун зулфинг-у, ой юзинг экан-ку, ҳайҳот!

Ҳарчандки қомати гўзал бор сарвда,
 Ер қаддини кўрса, не амал бор сарвда?
 Ер қаддига ўз қаддини менгзар эмиш ул,
 Бу кибру ҳаво асли азал бор сарвда.

Биз касбу ҳунар, молу дўқондан кечдик,
 Шеър йўлига кирдигу жаҳондан кечдик.
 Кўзу дилу жонимиз эди севгида ул,
 Бас, кўйида кўзу дилу жондан кечдик.

Оғзинг исини менга чаман билдиргай,
 Ҳуснингни эса лола, суман билдиргай,
 Ул иккиси бўлмаса очурман лабни,
 Номингни тутиб у сўз билан билдиргай.

Қайдан, қани, нағмайи рубоб, келмишсан,
 Минг оташу шўру фитнага тўлмишсан,
 Дил жосусию элчисисан саҳронинг,
 Дил рози эрур ҳар не наво қилмишсан.

Эй кўзу дилу жон ҳузури қандоқсан?
 Ҳар икки жаҳоним сурури қандоқсан?
 Ҳолим не лабинг ҳажрида асти сўрама,
 Менсиз ўзинг, эй кўзим нури, қандоқсан?

Эй жону жаҳон, жону жаҳон банданг эмиш,
 Оламини ширин этган шакарханданг эмиш,
 Сендекни фалак кўрмамиш олам яралиб,
 Осмону замин ҳуснингга ҳангу манг эмиш...

Теримни шилиб олса-да ул дилдорим,
Ундан гина қилмагум сира — йўқ зорим.
Душман менга барчаю удир ёлғиз дўст,
Душманга чақишга ёрни келгай орим.

Сендек бу фақир оқилу ҳушёр эрдим,
Ошиқ элини қилгучи инкор эрдим.
Умр ўтди-ей оҳ-воҳ ила девонаю маст,
Шундоқ яшамоққа, бас, сазовор эрдим.

Маъшуқа қуёш каби чарақлар хандон,
Зарра каби ошиқ бўлади саргардон,
Бас, севги баҳори еллари эсган он
Ҳар шох рақс этар унда магар бордир жон.

Сен бирла қувончга тўла шаҳру деҳот¹,
Осмону замин-да сен сабаб хуррам, шод.
Ғамдан бўлак ҳеч ким гина қилмас сендан,
Сен ҳаммани ғам-қайғудан этдинг озод.

Дерлар менга: «Мунча оташин дард қайдан?
Бу нолаю оҳу бу ранги зард қайдан?»
Дедим: «Ғапингиз ғалат, ўшал ой юзни
Бир кўрса киши биларди бу дард қайдан?»

Ғар истар эсанг, ҳамиша хуррам бўлсанг,
Етса қадаминг қайга, мукаррам бўлсанг,
Пок бўлу ҳалол яшаю илм ўргангил
То тожи башар, Ҳазрати Одам бўлсанг!

Кўнглимдаги оҳ боиси савдо, эй дил,
Ул аслида дил туфайли пайдо, эй дил,
Қондан юрагим мавж уради тўхтовсиз,
Бас, у дил эмас, бўлибди дарё, эй дил.

¹ Деҳот — қишлоқлар.

Ҳар нарсани дил очигу пинҳон сўзлар,
Мушкин соч ҳақинда анбарафшон¹ сўзлар.
Ошуфта эса у, бу — паришон, билгум,
Ошуфта оғиз очса, паришон сўзлар.

Эй дўст, ахир дўсту яқинмиз сенга,
Етса қадаминг қайга, заминмиз сенга.
Сезсак-да тажаллингни², ўзинг кўрмасмиз,
Ишқ шарти шуми, наҳот, ўйинмиз сенга?!

Мен — зарра, қуёшюз дилрабойимсан ўзинг,
Беморману дардимга давойимсан ўзинг.
Йўқ гарчи қанотим, учаман ортингдан
Бир хас каби, чунки каҳрабойимсан³ ўзинг.

¹ А н б а р а ф ш о н — анбар сочувчи, хуш ҳид таратувчи.

² Т а ж а л л и — кўриниш. жилваланиш.

³ К а ҳ р а б о — сариқ рангли ёпишқоқ тош. Уни чармга ишқаб, сомов, ҳасга яқинлаштира, уларни ўзига тортади.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(1247—1326)

Мазмунаи бой ва терзи, шаклан пишқи ва гўзал фалсафий рубойлари туфайли «Хоразм Хайёми» номи билан шуҳрат қозонган бу улуғ инсон «Паҳлавон Маҳмуд», «Пурёрвалий» номлари билан довраг таратган ҳассос шоир, енгилмас паҳлавон ва машҳур авлиёдир. Айниқса, унинг паҳлавонлик овозаси узоқ-узоқларга кетган эди. Эрон, Ҳинд каби кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамisha зафар қучган, бир умр кураги ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи полвои, паҳлавонлар пешвоси бўлган.

Кўпгина манбаларда шоирнинг «Қанз ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») номли маснавийси борлиги айтилади. Аммо Т. Жалоловнинг маълумот беришича, эронлик олим Саид Муҳаммад Али Сафар 1967 йилда уни Маҳмуд Шабустарийга нисбат бериб, нашр этган. Паҳлавон Маҳмуд «...дин назарияси, фалсафа ва маъналикка доир бир печа рисолалар ёзган» (Х. Ҳомидов) бўлса-да, улар ҳозиргача топилган эмас.

Паҳлавон Маҳмуднинг васиятига кўра шогирдлари уни ўзининг пўстиндўзлик дўкони атрофига дафн этганлар. Кейинчалик у қабр устида мақбара тикланиб, авлиё пойига Қўнғирот уруғидан бўлган Хева хонлари кўмилган. Бу мақбара нодир меъморчилик ёдгорлиги сифатида мана печа асрдирки, барчанинг диққати уни ўзига тортиб келмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келадиган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қиладилар. Мақбара деворларига шоир рубойлари дарж этилган.

Паҳлавон Маҳмуд Хевадаги футувватчилар жамоасининг бошлиғи, жавонмардлар пешвоси бўлган. Унинг ўзи ҳам мардлик ва саховатнинг энг олий намуналарини кўрсатиб, бошқаларга ибрат бўлган. Рубойларида футувватнинг назарий қоидаларини баён қилган.

Маълумки, жавонмардликка кўпроқ паҳлавоплар талабгор бўлганлар. Шу жиҳатдан, Паҳлавон Маҳмуд паҳлавонларни тарбияловчи устозгина бўлиб қолмай, балки жавонмардлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди. Жавонмардларнинг шиори дунёдаги ёвузликнинг барча кўринишларига қарши ҳамisha, ҳамма ерда эзгуликни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу ғоялар Паҳлавон Маҳмуднинг кўпгина рубойларида ўз аксини топган.

Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодини халққа етказишда таниқли олим ва забардаст мутаржим Тўхтасин Жалоловнинг хиз-

матларп катта. Шоир рубойларини, шунингдек, Мувинода, Васфий, Улфат, Боқир, М. Абдулҳаким каби таржимонлар таржима қилганлар. Е. Исҳоқов, Ҳ. Ҳомидов, Н. Комилов, С. С. Бухорий, М. Ҳасаний, И. Жумабоев каби олимлар бу буюк ватандошимиз адабий мероси ва таржимаи ҳолини маълум даражада тадқиқ этганлар. Паҳлавон Маҳмуд рубойлари бадий жиҳатдан пишيق ва гўзаллиги, фалсафий теравлиги билан ажралиб туради. Бу рубойлар бадий тасвир воситаларига бой, халқона содда ва енгил услубда, ифода тарзи аниқ ва лўнда, ўйноқи, сершиддат туйғуларга йўғрилган.

Барча Шарқ шоирлари каби Паҳлавон Маҳмуд ҳам икки улуғ манба — Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан таъсирлангани, улардан илҳомланиб қалам тебратгани унинг қудсий нафас уфуриб турган рубойларидан шундоққина сезилиб туради. Айниқса, илоҳий ишиқ тараннум этилган ва ваҳдати вужуд фалсафаси асосларини тушунтиришга бағйшланган шеърларида бу нарса кўзга яққол тапланиади. Лекин шоир фақат илоҳий мавзулар билангина чегараланмай, заминий дардни ҳам қаламга олган. Паҳлавон Маҳмуд рубойларида илоҳий ва дунёвий дард кўчишча бирга, ўзаро қўпилиб зуҳур этади.

Таниқли адабиётшунос олим Н. Комилов: «Паҳлавон Маҳмуд рубойларини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси — замона аҳлидан нолиш, ижтимоий тенгсизликни ифодаловчи рубойлар; иккинчиси — тариқат сулуки ҳақида ёзилган рубойлар; учинчиси — ваҳдати вужуд фалсафаси асосларини тушунтирувчи рубойлар ва тўртинчиси — илоҳий ишиқни тараннум этган рубойлар»,—деб ёзган эди.

Кези келганда, биз шу пайтгача шоирнинг ахлоқий қарашларига нисбат бериб тадқиқ этган панд-насиҳат руҳидаги рубойлари аслида футувват руқларининг шеърий ифодасидан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳа, бундай шеърларида шоир жавошмардлар ахлоқини тарғиб этган, улардан ибрат олишга чақирган.

1

Эй дил, яна дилбарга асир тушдингми?
Дилдори ситамгарга асир тушдингми?
Алҳол, қутулолмай қўлидан биттасининг,
Боз бир пари пайкарга асир тушдингми?

2

Гул қўлда, қадаҳ бонги қулоқда бўлсин!
Дунё ғамидан кеч — у узоқ бўлсин!
Сув нағмаси остида, булут соясида
Жом қўлда мудом, кўза қучоқда бўлсин!

3

Дилдор сўради: «Сўйла, нечун қайғуда дил?
 Ё бир пари талъатми кулиб олди кўнгил?»
 Тутдим қўлига кўзгую қилдимки жавоб:
 «Ойинада кўрганинг — ғамим боиси бил!»

4

Ҳарчандки, ишқдан гаҳи бегона эсам,
 Ошною ҳаловат била ҳамхона эсам,
 Бўлманг спра ҳайрон яна бир ҳур учраб,
 Аҳдим унутиб, кўйида девона эсам.

5

Воқиф эканимда келишингдан, дилбар,
 Сочган бўлар эрдим қадамингга гуллар.
 Сөчиб яна тергай эди киприк музтар,
 Хоки қадаминг кўзимга айлаб гавҳар...

6

Сен деб бу кўнгил тийғи маломатга кўнар,
 Битмас яраси гарчи қиёматга қадар.
 Ҳеч кимса омонлик тиламас, сен туғилиб —
 Ҳажрингда фаромуш этди соғликни башар.

7

Мен дард эрурам, дард — тамоман жисмим.
 Шамъ эрса юзинг, парвона — қулнинг исмим.
 Гар давлати васлинг муяссар ўлса,
 Суртай заъфарон юзимни пойингга жим...

8

Дил кўйида кеча мен ибодат қилдим,
 Ҳар покни-да нопок зиёрат қилдим
 Ҳам еб рамазон рўза, кафорат¹ қилдим,
 Ийд они намозни бетаҳорат қилдим.

9

Бул кунда баҳойи ўтину уд бирдир
 Ҳам мартабада Халилу Намруд² бирдир,

¹ Кафорат — гуноҳни ювиш, қилинган гуноҳ эвазига бериладиган нарса.

² Намруд — афсонавий золим шоҳ. Унинг фармони билан Халил, яъни Иброҳим пайғамбар ўтга ташланган.

Ким наздида ўз давлатига мастларнинг
Оввози эшак, нағмайи Довуд бирдир.

10

Кимман ўзи — мендан-да савоб истарлар,
Еб-ичганим учунми жавоб истарлар.
Йўқ ерда фаришталар ҳисобда ҳатто,
Айтинг, ўзи кимманки, ҳисоб истарлар?!¹

11

Эй сарвқаду суманбару гулўзор,
Дўстинг сира бўлмасин сенинг хас била хор.
Ҳар қанча чаманда тўкмасин қўр у чинор,
Гул новдасига чинорни не нисбати бор?

12

Зулфи неча таънайи бути Чин айлар,
Кўз ишва ўтинда ғорати дин айлар.
Рухсорини кўрсайди аросатда Худо,
Ўз қудратига ўзи минг таҳсин айлар!

13

Софдир дилимиз — унда на кеку кина бор,
Эл бизга эрур душману биз барчага ёр.
Тавҳид¹ мевасига кон дарахт новдасимиз,
Ҳар ўтган улоқтирса-да тош — қилмадик ор.

14

Кетдик кетидан, кел, энди жононани, дил,
Қоққил эшигини, изла ҳар хонани, дил.
Хайём каби бизлар-да мудом май била маст,
Дўзах кутади биз каби мастонани, дил.

15

Сўз ошиғиман, нурли нафас истайман,
Бир нуктага менда юз ҳавас, истайман.
Ёндирмади бул мустамеъларни² нутқим,
Тинглашга сўзим ўзгани, бас, истайман.

¹ Т а в ҳ и д — бирлик, ягоналик; Худонинг бирлигига эътиқод қилиш.

² М у с т а м е ъ — тингловчи, эшитувчи.

Сўрдим: «Бу ҳаёт маънисини не, жонона?»
 «Ё шамъ, — деди, — ё булут ва ё парвона».
 Сўрдим яна: «Дунёга кўнгил қўйган ким?»
 «Ё гўл, — деди, — ё маст ўша, ё девона».

17.

Туймоқ неча Қоф тоғини ҳовон бирлан,
 Кўкни бўямоқ юракдаги қон бирлан,
 Зиндонда ётиш бир аср афғон бирлан
 Соз ҳамдам ўлишдан даме нодон бирлан!

18

Чеҳранг уза, ёр, тонг каби гул ёғилади,
 Кўкламга ибонг менгзабе — гул ёғилади.
 Дилбар ўша тонг хуш то жаҳон чеҳрасидан
 Порлаб неча бахт кавкаби¹ гул ёғилади!

19

Эй Тангри, ҳаёт дарахтини паст этма,
 Эй Тангри, тириклик майидан маст этма,
 Эй Тангри, карам айла, жавонмардларни
 Муҳтожу фақир этма — бу хил қасд этма!

20

Оташки, аланга уради — сийнам ўша,
 Дарё неча тўлқинланади — дийдам ўша.
 Кўз ташла: кулол қўлидаги лой кеча
 Инсон эди — биз билан эди маҳрам ўша.

21

Меъмори азал қаср ила айвон айлар,
 Бўлгай-да ясаб, сўнг уни вайрон айлар.
 Ҳар тоқиқи, етган эди бул кун кўкка,
 Эртан яна тупроқ била яксон айлар...

22

Ким бизни синиқ дилга мурувват қилгай?
 Ким айбу гуноҳимиз кафорат қилгай?
 Биз қанча мазорларни зиёрат қилдик,
 Ким бизни мазоримиз зиёрат қилгай?..

¹ К а в к а б — юлдуз, сайёра.

23

Эй дўст, агар жон тиласанг, бергум жон,
 Ҳар неки азиз, айт, уни айлай қурбон.
 Эй кофири бераҳм, эсанг мен бирлан,
 Зуннорни тақиб белга, берарман иймон.

24

Даврон ғамидан кўзимни гирён кўрдим,
 Ҳар ранжу бало борки, беармон кўрдим,
 Нуҳ мингга кириб, кўрган эди бир тўфон¹,
 Мен Нуҳ эмасам-да, мингга тўфон кўрдим.

25

Филнинг кучи сенда бўлса ҳам мўрдек бўл,
 Ҳар икки жаҳон мулки билан ўрдек² бўл.
 Кўрсанг-да ҳаётда айбини ҳар кишининг,
 Ҳеч нарсани сезмагувчи бир кўрдек бўл.

26

Единг била ҳар замон кўнгил тоза бўлур,
 Тонг елида чунки гулистон тоза бўлур.
 Дийдоринг ҳайит эрур — уни кўрганда
 Хотир хушу дил хурраму жон тоза бўлур!

27

Эй хожа, жаҳон маънисидан йўқ хабаринг,
 Кундуз-кеча тортар ўзига сийму заринг.
 Дунёда кафан эрур фақат дастмоянг,
 Маълум эмас, аммо ўшани ҳам этаринг...

28

Қурбони муҳаббат бўламиз, ишқ — кафан,
 Дард илкида ўсдик, маломат — ватан,
 Фирдавс³ — ила жаннатда сен ўлтир, зоҳид,
 Биз — булбули маст, бизга жаҳаннам — чаман.

29

Тун — ҳомиладор, ҳар неки туғса — кўрамиз,
 Чарх айланади, ҳар не йўлиқса — кўрамиз.

¹ Нуҳ пайғамбар даврида юз берган тўфон балоси кўзда тутилаяпти.

² Ўр — яланғоч.

³ Ф и р д а в с — жаннат.

Умр аввалида ҳар неки келди — кўрдик,
Умр охирида ҳам нима боқса — кўрамиз.

30

Айтмай, сира олма кишининг уйига йўл,
Қадрингни туширма узатиб нонига қўл.
Миннатли кабобидан бировнинг доим
Қоқ нон била сувингни баланч қўйгучи бўл!

31

Олам фили қайтаролмагай шиддатимиз,
Дунёни қилар саросима шавкатимиз,
Жой олса чумоли сафимиздан ногоҳ,
Бир лаҳзада шер айлар уни давлатимиз!

32

Ёмоннинг сира ҳаглама остонасидан,
Еб тушма тузоғига тагин донасидан.
Уқ ростлигидан билиб камонни эгри,
Кўр қочишини шитоб унинг хонасидан!

33

Оқил сира ҳис-туйғуга бўлмайди асир,
Зар қадри пасаймайди ҳасад бирла, ахир.
Номард ит эса, марднинг қиёси — дарё,
Булғанмади ит тегса-да, дарё барлбир!

34

Бир ёри вафодор киши йўқ оламда,
Дил маҳрами меҳрибон тополмай ғамда.
Инсон зотидан кутма вафо — асли азал
Бўлмайди вафо расми бани одамда.

35

Кўрдим узоқдан у лаби пурханданг,
Озод эдим, тагин бўлибман банданг.
Ҳар бандаки, озод эрур — шод эрур,
Мен шодман ангаким, бўлибман банданг.

36

Ўлдим кўмилиб минг ғаму ҳасратга, нетай?
Лойиқ эмасам меҳру мурувватга, нетай?
Келтирди юзинг ҳажри надомат, афсус,
Дийдоринг эса қолди қиёматга, нетай?..

Шўх дилбаримиз ширин мақоллик қилгай,
Юз ишва билан қоши ҳилоллик қилгай.
Ним жилмайиб ул оғзининг бир бурчи билан
Ўп деб, мени жой гўёки холи қилгай...

Давронки, ҳунар ғайри жафо йўқ унда,
Ҳам аҳли вафодан ошно йўқ унда.
Мен ит бўлайин вафоси бор кимсага, бас,
Ит яхши кишиданки, вафо йўқ унда.

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир — мард,
Ҳеч кимсага бўлмаса асир, улдир — мард,
Ўтмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас,
Тутса қўлидан забунни эр, улдир — мард.

Ул ишқ биёбонида юрмоқ мушкул,
Оёқни йиғиб ҳам яна турмоқ мушкул.
Энг мушқули улки, ҳамма ерда, ҳар дам
Еринг-ку аён, лек уни кўрмоқ мушкул.

Эй чархи фалак, замонайи дунпарвар¹,
Эгри юришинг тўғри учун хавфу хатар.
Нодон улуғ, оқил-чи, оёқ остида гар,
Бўлсин бу каби чархи фалак зеру забар.

Эрлик гуруринг бўлса, эй Оллоҳ суйган,
Ҳеч аҳли аёлингни чиқарма уйдан!
Бошини чиқарса кўчага мевали шох
Тамаъ қилади барча йўловчи ундан.

Гул кўркда сени тоқ, деб ўзин ўлдиради,
Ул лола қаро доғ, деб ўзин ўлдиради,
Кўрганда жамолинг нуруни ҳатто шамъ,
Мендан ўша порлоқ, деб ўзин ўлдиради.

¹ Дунпарвар — ёмон, паст, разил кишиларни тарбия қилувчи.

Севги ғамини, дилим, таманно қилдинг,
Халқ ичра ўзингни неча расво қилдинг,
Кўнгил, дея майли гули раъно қилдинг,
Ҳар кунда бўлак гул лабини во қилдинг...¹

Эй дил, сира атлас тўнини қилма ҳавас,
Тарк айлама эски-туски киймакни-да, бас,
Гар истасанг енгил кечишин ушбу ҳаёт,
Ҳеч бўлма қарам ўзгани қошида, абас!

Айтиб эди менга бир кун соҳиби дард:
Ким қилмаса мард хизматини — ўлмади мард!
Ҳеч хизматини қилма ўшал кимсанким,
Қилган эмаса ёшлигида хизмати мард.

Ҳайҳотки, ҳазин дилим сира бўлмади шод,
Хотир эса ғамдан қутулмади, дод!
Афсуски, ҳаёт дарахти бермай ҳосил,
Фарёдки, умримни хазон айлади бод...

Тутдик неча йил илм ила дафтар пайини,
Этдик неча йил зийнату зевар саъйини,
Қай кунки, тушундик даҳри дуннинг² раъйини,
Кечдик баридан ичиб бу риндлик майини...

Бул чархи фалак ичинда биз бечора,
Фонус билибон уни — қилиб наззора.
Офтоб чароғ бўлса, жаҳондир фонус,
Қошида қўғирчоқ каби биз оввора.

Бизларки, алам тузоғидан озодмиз,
Ғам гарчи таомимиз ва лекин шодмиз.
Билмай нима рангу бўйи ҳушёрликнинг
Ёр кўзи мисли масти модарзодмиз³.

¹ Во қилмоқ — очмоқ.

² Даҳри дун — тубан дунё, пасткаш дунё.

³ Модарзод — туғма.

Кўз очди саҳар чоғида наргис, лола
 Ҳам тонг қуши айтар эди айлаб нола:
 Май ички, ҳаётни тарк этурсан бир кун,
 Уйғон, ҳали тупроқда ётурсан вола...

Ҳеч берма жаҳоннинг дўстлигига хотир,
 Киндан бўлаги бўлмагай ундан зоҳир.
 Юз йил яшасанг-да, охири келгай марг¹,
 Юз мулкни эгалласанг-да, ҳечдир охир...

Дунёда мудом топгилу бир доно ўтир,
 Ё излаю бир нозли санам, зебо ўтир.
 Гар сенга муяссар ўлмаса иккиси ҳам,
 Вақтингни совурма елгаю, танҳо ўтир.

Кўз тегмасин ул наргиси шаҳлосига!
 Кўз тегмасин ул лаъли майпаймосига!
 Ёлғиз тилагим бор — қабул этсин Худо:
 Кўз тегмасин ул қомати зебосига!

Биз Таигрини ёд этиб биёбон кетдик,
 Тан олаמידан кечиб, жон томон кетдик.
 Нақ етмиш икки йил туну кун фикр этдик,
 Саргашта бўлиб келдиг-у, сарсон кетдик.

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл халқингнинг,
 Ўзни унут-у, фидоси бўл халқингнинг,
 Бошига кўтарсин, десанг, эл тож янглиғ,
 Кўлни ўп-у, хокипоси бўл халқнинг.

Пок этгали тийнатимини бўлдим машғул,
 Боқдим унга қай дамки тиниқ тортди ул.
 Тоғ-тоғ гуноҳимни кўриб ойнада,
 Айбини бировларнинг унутдим буткул.

¹ Марг — ўлим.

Топсанг-да ўлим парвоси йўқ дунёнинг,
Қадри шуми сен каби малаксиймонинг?
Ҳайрон қолдим кўриб Азроил ишини:
Қилт этмади бир туки оларкан жонинг...

Номайи аъмол да борми мазмун, сўрай?
Бул нарсани қандоқ сўрай, чун сўрай?
Яхшиси кўкрагимдан бир дарча очиб,
Қонли юрагимдан бу ҳол шарҳин сўрай...

Келганда ажал ёр жонини олмоққа,
Бир йиғладим-ей... тушди булут титроққа.
Қабр устига ким келса, деди бош чайқаб:
«Шундоқ нозанин ҳайф бу қаро тупроққа!»

Эрта ғамини чекма, азизим, бир дам,
Ҳар лаҳза ғанимат — уни ўтказ хуррам,
Жон чиқса, ётармиз-да неча минг йиллик
Аждодларимиз билан бақамти биз ҳам...

Туз қолмади тақвода, маза парҳезда,
Йўқ таъми гуноҳнинг-да, баса, шул кезде
Сув ювган эса гар тузини ҳаммасининг,
Ел олди мазасини уларнинг тезда.

Туз йўқ бу жаҳонда шу кеча-кундузда,
На ер туби; на кўк тоқида — юлдузда.
Туз конлари тузга конлигидан тузсиз,
Оҳ, бу не замонки, туз йўқ ҳатто тузда?!

Дил ичра қаро тугун мисоли лола,
Оғзи каби ғунчанинг кўзим лиқ жола.
Кўнглимга тўкилди барчаси, доиранинг
Зангўласидек қулоққа тўлмиш нола.

Ҳар гулники, орзу қўлида кўргайман,
Ёр боғининг ул ҳосили-да, кўргайман.

Ҳижрон қадаҳидан ичганим ҳар томчи —
Қон рангини қирмиз лаълида кўргайман.

66

Оҳ чексанг агарда, йўлга тиккил кўзни,
Чоҳ ёнидан ўтсанг, эҳтиёт қил ўзни.
Дўстлар уйда қачонки маҳрам бўлсанг,
Одобини бузма дилу қўлу кўзни.

67

Кўз ташла бу йўлга: раҳнамолар кетди,
Ғафлатга қўйиб сени ошнолар кетди.
Ул қавм мувофиқу яқин эрди сенга,
Ул қавм ўтиб, сенга фидолар кетди.

68

Ҳар узви заминнинг дилидир дононинг,
Лаб ё тиш эрур зарралари дунёнинг.
Ҳар сунбулу гулки, бош кўтаргай ердан
Зулфию юзидир у гули раънонинг.

69

Ҳар кимки, ҳаётда ношукр бўлса — ёмон,
Ҳақ йўлида ул зот яна пир бўлса — ёмон.
Эски экани либосининг нуқсони эмас,
Аксинча, либосда бир қусур бўлса — ёмон.

70

Кўз ёши билан кўнгилни ювдим буткул,
Бор гарди кетиб, кўзгу каби порлади ул.
Ашким кудурат гардини ҳам кетди ювиб,
То йиғладим айлангунича кўзгуга дил.

71

Ўт ўрнини қишда босмагай гул нафаси,
Бир парча кигизга етмагай Рум атласи.
Тингла сўзини Маҳмуди Пурёрвалининг:
Беҳайр киши лўли хотинча эмас-е!

72

Заргарбача кўрсатди йўлини Милтоннинг,
Қоидасидан берди хабар султоннинг.
Қўшди эл ишончи кучга-куч — кўрмасман
Бир арпага тенг Чўнаи Ҳиндистонни!

72

• Хуш умринг аёл оғушида гар ўтади,
 Еллар чўл этагига уриб бар ўтади.
 Ҳар они баҳоринг ганимат, завқин сур,
 Биздан-да кейин қанча баҳорлар ўтади!

Бўлди бўларим ҳам заҳри — ҳажр оғусида,
 Кўз очсам агар қовриламаи қайғусида.
 Минг андишада қўйсам оёқ устига бош,
 Рухсорини кўргум тиззанинг кўзгусида.

Юз бўлса жаҳон — раинини сендан олган,
 Ақл эрса ариқ — сувини ўзинг солган,
 Шабнам каби ўтказма кулиб умрингни,
 Чун богчани рангу бўйи сендан қолган.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ (1325—1388)

Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Лекин бутун умри давомида она шаҳридан четга чиқмаган бу «исонафаслик ринди Шероз» (Навойӣ) ўзининг ёниқ ашъори билан ярим дунёни эгаллади. У ўзидан кейинги Шарқу Ғарб адабиётига катта таъсир кўрсатди. Буюк немис шоири Ҳёте Ҳофизни «поёб услуб даҳоси», «муқаддас Ҳофиз» деб улуғлаб, унинг таъсирида «Ғарбу Шарқ девони»ни яратган бўлса, В. Жуковский, А. Пушкин, Ю. Лермонтов, А. Фет, С. Есенин каби рус шоирлари Ҳофиздан илҳомланиб, «ҳофизона» оҳангларда шеърлар ёзганлар, унинг ижодини юксак баҳолаганлар. Шарқда эса Шероз булбулдани таъсирланмаган шоирнинг ўзи йўқ ҳисоби.

Ҳофиз шеърлари шакл жиҳатидан мукаммал бўлиши билан бир қаторда, мазмунан ҳам теран: уларда кўп маъноли сўз ва иборалар, мажоз-рамзлар, бадий санъатлар сероб. Шоир ўз сўзини қават-қават маъно либосига ўраганлиги, услубнинг мураккаблиги учун ҳам унга «лисон ул-ғайб» — «ғойибнинг тили» сифатини берганлар. Шунинг учун ҳам унинг асарларига кўплаб шарҳлар ёзилган.

Фирдавсий маснавийни, Умар Хайём рубойини қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳофиз Шерозий ҳам ғазални шунчалик юксак пояга кўтарди. Мана, неча асрлардан буён рубойда бирор шоир Умар Хайёмга етолмагани каби, ғазалда ҳам ҳеч ким Ҳофизнинг олдига тушолган эмас.

У Шарқда Хўжа Ҳофиз номи билан машҳур. Шоир ғазаллари ва рубойларидан намуналарини ўзбек тилига Хуршид, Чустий, Муинзода, Васфий, Ш. Шомуҳамедов, Ж. Жабборов, Э. Воҳидов, М. Кенжабек каби форс-тожик адабиётининг билимдонлари таржима қилганлар. Устозлар анъанасини давом эттириб, биз ҳам шоир рубойларидан бир дастасини таржима қилишга журъат этдик.

1

Бир лаҳза лабингни олмагил жом лабидан,
То топса жаҳон комини дил жом лабидан.
Омухта жаҳон жомида аччиғу ширин,
Бул ёр лабидан етга-ю, ул жом лабидан.

2

Ул шамъи Чигил дардини айтиб бўлмас,
 Куйган бу кўнгил дардини айтиб бўлмас.
 Андин юрагимда ғамки, йўқ маҳрами роз,
 Ҳар кимсага дил дардини айтиб бўлмас!

3

Бир моҳки, қади сарвга менгзар, оё,
 Кўзгу қўлида — ўзига бергай оро.
 Дер менга кулиб рўмолча пешкаш этсам:
 «Васлим тиладингми? Хом хаёлинг, аммо!»

4

Мен бандаси ул кимсаниким, шавқи баланд,
 Гар бўйнида тавқи ишқ, абас, мавқе баланд!
 Ошиқлигу ишқ кайфини сен не биласан,
 Бул бодани ул кимса ичар — завқи баланд!

5

Дўст бирла ўтир ҳамда маю жом иста,
 Шод этсин ўпич бериб гуландом, иста.
 Хоҳлайди жароҳатин битишин мажруҳ,
 Жарроҳга келиб, дардинг учун ком иста.

6

Бўлса эди бир шўх санаму барбату¹ най,
 Хилват ва фароғат яна бир шишада май,
 Майдан қизибон тандаги бор томиру пай,
 Бир арпа умид қилмас эдик, Ҳотами Тай!

7

Ул жомки, сафо гулшани — тут илкимга,
 Ёр тимсоли соғар — ани тут илкимга,
 Занжир каби ул май ўралар ўз-ўзига,
 Девонаси бўлдим, қани, тут илкимга!

8

Кел, қўлда тутиб қилгучи шод бодан ноб,
 Кел, сифла² рақибдан яширин ҳамда шитоб,
 Душман сўзига кирма сира, кетма, ўтир,
 Кел, тингла бу нуктани-ю, нўш айла шароб!

¹ Барбат — саккиз торли қадимий мусиқа асбоби.

² Сифла — пасткаш, нокас.

9

Сен тўлган ою, сенга қуёш банда эмиш,
 То банда эмиш ўшал — равшан-да эмиш.
 Бир чехраки, офтоб нур эмиб шуъласидан,
 Ой ҳам илибон ёғду билан шаън-да эмиш...

10

Ул фасли йигитликда шароб кўп создир,
 Гул юзлар ила бодайн ноб кўн создир.
 Олам-ку хароб работ эрур бош тан-оёқ,
 Бўлмоқ бу хароб ерда хароб кўп создир.

11

Эй бахт, фақирга қани бир ёр бўлсанг,
 Мажруҳи замон — дилга мадакор бўлсанг.
 Ёшлик-ку чиқиб кетди жиловдек қўлдан,
 Кексалик узанги каби пойдор бўлсанг...

12

Гар биз каби сен ҳам асри дом бўласан,
 Азбаски, хароби бодаю жом бўласан.
 Дунёсига ўт қўйгучи ошиқлармиз,
 Биз бирла ўтирма сира — бадном бўласан!

13

Ким кўрди у ёрдан вафо — мен кўраман?
 Ким кўрди жафодан сафо — мен кўраман?
 Умримсан-у, аммо, бевафосан, не қилай,
 Ким кўрди умрдан вафо — мен кўраман?

14

Ҳаргиз мени ёд айламадинг, шамъи Чигил,
 Мушкул эса-да бу мен учун — кўн ди кўнгил.
 Дардеки, ғамингдан юрагимда қат-қат,
 Дил билгай-у мен билгум, мен билгум-у дил.

15

Ҳажринг ўтида шамъ каби афзун йиғлай,
 Жомдек тўкайн-у ашки гулгун, йиғлай,
 Май жомига ўхшайман-у, дилтангликдан
 Чанг ноласини тинглар экан, хун йиғлай...

Создир неча дилни май билан шод этсак,
 Ўтган билан кетганини-да кам ёд этсак,
 Ҳам бир йўла зиндоний омонат жонни
 Бир лаҳзага ақл илкидан озод этсак...

Бул кеча гамингдан қон аро ётгумдир,
 Ранж бистарида ҳижрон аро ётгумдир.
 Гар шубҳа этарсан, ўз хаёлингни юбор,
 Кўрсин ўша не афғон аро ётгумдир...

Шўхликдами, бизнинг ўша дилбар тоқдир,
 Бечора дилим вислоига муштоқдир.
 Уймоқ каби — оғзи, юзи — лола, тани — сийм¹,
 Ширин сўзу боз латифу сийминсоқдир².

Ёр зулфи паноҳида суман топди ривож,
 Ёқут лабидан дурри Адан топди ривож.
 Дилларга ривож берса лабидек кошки,
 Дунё-да унинг ишқи билан топди ривож!

Боғ ичра бўлиб боди сабо дояи гул,
 Машшота³ мисоли ясатиб поян гул,
 Гар соя аро топса омонлик офтоб,
 Бас, иста қуёш юзлини-ю, соян гул.

Турк чехрали ул фаришта жон қасди эди,
 Кўздан яширин ҳур каби бўй-басти эди,
 Тор бўлмаса мунча оғзинг — йўқдек-ку, десам,
 Куйманг-да қилиб тамаъи хом асти, деди.

Гул ғунчаси то бодага ҳамроз бўлгай,
 Май майлида наргис қадаҳсоз бўлгай.

¹ Сийм — кумуш. *Бу ерда:* кумушдек бадан.

² Сийминсоқ — *бу ерда:* гўзал, зебо маъносда.

³ Машшота — пардозчи.

Фориғ дили ул кимсаниким мисли ҳубоб¹
Майхонага йўл тутиб — сарафроз бўлгай!

23

На давлати дунёнинг ситамга арзир,
На лаззати мастликнинг аламга арзир.
На шодлиги дунёнинг неча минг йиллик
Ул бир неча кун меҳнату гамга арзир.

24

Улфатлар аро қай куни дил қилди хитоб:
Гул мавсумида тарк этайин бодан ноб.
Булбул чаман ичра қичқириб берди жавоб:
Гофил, бу нима — фасли гулу тарки шароб?!

25

Мен ҳақдаги фикрингни, сабо, сўзла пишон,
Оз бўлса-да ишқ изҳорига мингта забон,
Оҳиста сўз оч сўз орасинда, тски
Севгимни малол олмасин ул қоши камон.

26

Ҳарчанд фироқ сендан узоққа солсин,
Сабримни юзинг ҳажри дилимдан олсин,
Бир бор назарим тушса бўлак юзга агар,
Ҳуснинг тузи ҳаққи, кўзларим кўр бўлсин!

27

Ич боданиким, мангу ҳаёт шу асли,
Беш кун бу тирикликда нажот шу асли.
Гул мавсумию дўсту яқинлар сармаст,
Шод бўл, бу жаҳонда чин нишот шу асли!

28

Чеҳрангки, латофат ичра ойинан руҳ,
Тонгларда хаёлинг қадами берса шукуҳ,
Тортишга кўзимга қўрқаман киприкдан:
Бўлмасми хаёлингнинг оёғи мажруҳ?

29

Ўлдим бўса бирла қучоғинг орзусида,
Ўлдим ўша жонбахш дудоғинг орзусида,
Ўзиб нетаман қиссани, бас, қисқа қилай:
Ўлдим, яъни бошдан-оёғинг орзусида!

с ¹ Ҳубоб — кўпик.

Сув кетди тагига умр вайронасининг,
Тўлмоқ ғами босди умр паймонасининг,
Эй хожа, кўзингни оч, замон ҳаммоли
Рахтини қўнормоқда умр хонасининг...

31

Эй, тортинади ғунчаи мастур¹ сендан,
Ҳайрону хижил наргиси махмур сендан.
Гул тенг кела олмас сенга, ул моҳтобдан —
Гар ёгду эмар, олади ой нур сендан.

32

Эй ёр юзи ишқи, мени кўп зор этма,
Дилхаста бу ринд аҳлини хуммор этма,
Расмини йўловчиларнинг, сўфий, биласан,
Ринд аҳли ҳақинда сўзни бисёр этма.

33

Ҳеч бир умидингни оқламас чарх — олчоқ,
Ҳар айланишидан титра мисли япроқ.
Дединг: «Қорадан кейин бўлак ранг бўлмас».
Бўлди нега унда қора сочим ошпоқ?!

34

Ғамдан ўзга менинг мададкорим йўқ,
Ғамдан ўзга ишқ ичра ҳам ёрим йўқ.
Бас, топмадим ўзга ҳамдаму ҳамрозни,
Ғамдан ўзга дўсту вафодорим йўқ.

35

Мақсад йўлида умрни зоеъ қилдим,
Нафъ кўрмаганимни бу замондан — билдим.
Ҳар кимга деган эсам сени дўст тутдим,
Бўлди ўша душманам — бағирни тилдим...

36

Келмайди хаёлимга ўйингдан ўзга,
Йўл борини билмадим кўйингдан ўзга.
Ҳар дийдага уйқу ёқар, аммо менинг
Кўзимга кўринмайди бўйингдан ўзга.

¹ М а с т у р — иффатли

То ҳукми илоҳий бунда мангу бўлгай,
 Ҳамроҳинг абад қувончу кулгу бўлгай!
 Қўлингдан агар мен бир қа таҳ нўш этсам,
 Бас, мангу ҳаёт сармоясн шу бўлгай!

Май майдалаб ўлтирса, на соз, сув бўйида,
 Дунё гаму ташвишини қўй — беҳуда.
 Гул умри каби ҳаётимиз ўн кундир,
 Бил ҳар дамнини унинг ганимат жуда.

Шодлик қушининг наволари келмоқда,
 Ё Боғи Эрам ҳаволари келмоқда,
 Ё ёр лабидан сабо хабар келтирмиш,
 Алқисса, ажиб садолари келмоқда.

Офтобдек ул ой юзи мунаввар бўлди,
 Хатти бўйида чашмаи кавсар бўлди.
 Дилларни у солди чоҳига кулгичининг,
 Чоҳ теграси буткул мушку анбар бўлди.

Аввалда вафо қилди тутиб жоми висол,
 Маст этди-ю, ҳажр аро сўнг отди у ҳилол,
 Ҳар икки кўзим ёшга, дил оташга тўла,
 Тупроқ каби жоним йўлида бўлди увол...

Сепган каби юз тилим жигар устига туз,
 Ҳажринг гами тутди хаста кўнглим сари юз.
 Қўрқиб яшаган эдим мудом ҳижрондан,
 Ҳайҳот, ўша айрилиқ етиб келди бу кез...

Кўйингда менингдек киши йўқ бехона,
 Наздингда менингдек киши йўқ бегона.
 Зулфинг дорига осншгани бежиз эмас —
 Ишқингда менингдек киши йўқ девона.

Кўнглим қуши то тушди гаминг домнга-ей,
 Бўлди у йўлиққан каби тиг комига-ей,

Дунё қадаҳин шарбатидан безорман,
Тўлди жигарим қони гаминг жомига-ей.

45

Вақт етди, хуморлар аста қўзғолгайлар,
Ёру маю соз ёнидан жой олгайлар,
Ўткинчи ҳаётга қасдма-қасд ул дамга
Жом бирла қадаҳга қора қон солгайлар.

46

Ёр сочини тутдим: «Эй ҳаётим нақши,
Ўнглагил ишим, дилимнинг фараҳбахши».
Деди: «Қўйу сочимни, лабимни иста,
Бир лаҳзалик айш узун умрдан яхши!»

47

Жонон, сени тарк айламак эрмас осон,
Зумрад хатинг қошида то бермай жон.
Жонимни гизосидир у ёқут лаблар,
Келмайди тенг унга икки юз минг маржон.

48

Шўр бахтим агар бўлмаса ёр, мен на қилай?
Кўнглимни қувонч айласа зор, мен на қилай?
Кўзимнинг у гавҳари эди — тарк этти,
Бу гавҳари йўқ кўз энди хор, мен на қилай?

49

Важ топади ким бодани инкор қилади:
Шундай тирилар ҳар киши қандай ўлади!
Бизлар яшадик маъшуқу май бирла мудом,
Бас, ҳисса қиёматга-да шундай бўлади!

50

Гул бахти жуда кулган экан гулшанда,
Йиғлайди булут, гул-чи, қилади ханда.
Мақтанса-да озодлигидан ҳарчанд сарв,
Тик қади билан бўлибди гулга банда.

51

Жонон бу кечани мен билан ўтказди,
Бу бахтни менга Худо ўзи етказди.
Ўлим гами йўқ энди менга, чунки санам
Жонбахш лабидан обиҳаёт тутказди.

Қай дам назаринг бу дили ғамнокка етар,
 Гўёки қуёш шуъласи хошокка етар.
 Сўз қотма, эсам-да гар йўлинг тупроғи,
 Минг ҳайфки, оввозинг агар хокка етар...

Гар кўйлагини ечса у ой юзли пари —
 Мотдир бу жаҳондаги гўзалларнинг бари!
 Қалби кўринар кўксинда нозиклигидан
 Соф сувда кўринган каби тош зарралари.

Шоҳ тахтида ўлтирса-да тўкиб ёшини
 Гул зорланади: «Кўринг бу дунё ишини:
 Гар шунча куяр мен каби шаффоф хилқат,
 Вой, ҳолига минг вой гуноҳкор кишининг!»

Дерларки, беҳишт эшигига етгаймиз,
 Май — қўлда, малак — қучоқда айш этгаймиз,
 Бас, биз маю маъшуқни десак, не бўпти?
 Иш оқибати шундай экан, нетгаймиз?!

Тонг ели, ўшал сулувга хушторлигим айт,
 Бир кўргали ой юзини минг зорлигим айт,
 Туиларни ширин уйқуда ўтказгучи ул —
 Беғамга қачондан бери бедорлигим айт.

Токайгача бу элга жафо қилгайсан?
 Озурда кўнгилларни яна тилгайсан?
 Дил аҳли қўлида қонсираган тиг бор,
 Қонинг сени бўйинингда эрур билгайсан?..

Дедимки: «Лабинг?» Деди: «Лабим — обиҳаёт».
 «Оғзинг-чи?» — дедим. Деди: «Бу—бир дона набот».
 Дедимки: «Сўзинг?» Дедики: «Ҳофиз айтмиш:
 «Сўз пирларини дуо билан айланг ёд!»

Мардликни сўра фотиҳидан Хайбарнинг¹,
 Ҳиммат сирини хожасидан Қамбарнинг.
 Ҳақ файзини, Ҳофиз, тиласанг астойдил,
 Сўр манбаини соқийсидан кавсарнинг!

Эй дўст, ғаним жафосига қўл силта!
 Майдан ўзга сафосига қўл силта!
 Ҳақни бил-у, ўзингни — бу олам элининг
 Ҳар яхши-ёмон баҳосига қўл силта!

¹ Хайбар фотиҳи — Ҳазрат Али.

УБАЙДИЙ (1487—1539)

Дашти Қипчоқдаги ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайр-хоннинг эвараси, Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўгли Абдулғози Убайдулло Баҳодирхон XVI аср Мовароуннаҳр адабий-маданий ҳаётида катта ўрин тутган машҳур сиймолардан биридир. Тарихга, кўҳна меросга нисбатан ҳукм сурган бирёқлама синфий муносабат туфайли узоқ йиллар мобайнида унинг ҳаёти ва ижодини ўрганish имкониятидан маҳрум бўлиб келдик. Бунинг сабаби Убайдуллохоннинг хонлиги — «эзувчи синф» вакили эканлигида эди.

Убайдуллохон Мовароуннаҳрни шиа мазҳабидаги Шоҳ Исмоил бошлиқ эрон сафавийлари — «қизилбошлар» (шиаларнинг бошдан-оёқ қип-қизил кийимида юрганликлари учун сунийлар уларни шундай лақаб билан атаган) истибдодидан сақлаб қолган. Унинг Марказий Осиё халқлари тарихидаги бу буюк хизмати муаррихлар томонидан ҳануз ўзининг муносиб ва ҳаққоний баҳосини олганича йўқ. Диндор подшоҳ сифатида у Муҳаммад суннатини ривожлантирган ва мустақкамлаган, тасаввуф равнақини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Зеро, Хожа Убайдуллоҳ — Хожа Аҳрор Вали ўзининг муборак исмини берган, унинг шогирди — Мир Араб номи билан машҳур бўлган Амир Абдулла Яманий мушидлик қилган Убайдийнинг ўзи ҳам қалбан сўфий — нақшбандий эди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида ёзилишича: «Унинг даври ва халофати замонида Мовароуннаҳр, хусусан, Бухоро вилояти гуллаб-яшнади».

Шайбоний ҳукмдорларидан Кўчкнчхон ва унинг ўгли Абусандхон даврида Бухоро номи бўлган. 1533—1539 йилларда эса Бухорода мустақил хонлик қилган шайбонийлар сулоласининг бу йирик намояндаси донишманд давлат арбоби ва жасур саркарда бўлибгина қолмай, замонасининг «барча фазилатлар билан безанган» (Мирзо Ҳайдар) ҳар жиҳатдан етук кишиси эди. У «шеър илмларида соҳиби фан» (Ҳасанхожа Нисорий) бўлиб, ўзбек, форс ва араб тилларида қалам тебратган истеъдодли зулласонайн шоир, Қуръон мутолаасини осонлаштириш учун туркий тилда «Ат-тажвид» рисоласини яратган илоҳиёт олими, шариат қонунлари бўйича махсус китоб битган фақиҳ, етти хил ҳуснихатда ёза оладиган, хусусан, насталиқни жуда гўзал кўчирадиган хаттот, Қуръонни тажвид билан қироат қиладиган ҳофиз Қуръон, мусиқа илмида ва ашулада моҳир санъаткор ҳам эди.

Убайдий ўзбек, форс ва араб тилларидаги шеърларини тўплаб,

уч девон тартиб берган. Бир муқова остида жойлаштирилган ва «Куллиёт» деб аталган бу китобнинг ягона қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 8931-рақами билан сақланади.

Убайдий нафақат туркий, балки форсий адабиётда ҳам забардаст рубойинавислардан ҳисобланади. Унинг «форсий девон»ида 418 та рубой мавжуд. Бу рубойларда ислом ва иймон улуғланиб, тасаввуф ва футувват (жавонмардлик) гоёлари тарғиб қилинади, илоҳий ва дунёвий ишқ тараннум этилиб, Олам ва Одам тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалар ифодаланади. Улар орасида замонадан, чарху фалакдан шикоят, панд-насихат руҳидаги, таржиман ҳол характеридаги рубойлар ҳам анчагина. Шоирнинг диний бидъатчиликни қораловчи, рофизийларга қарши курашга даъват этувчи рубойлари ҳам мавжудки, улар Шоҳ Исмоил Сафавийнинг шиа мазҳабидаги сипоҳийлари — қизилбошларнинг Бобур бошчилигида Мовароуннаҳрга бостириб кириши ва Убайдуллохоннинг уларни бу муқаддас тупроқдан қувиб чиқариш учун олиб борган жангу жадаллари муносабати билан ёзилган.

Убайдий рубойларининг тили равон, услуби содда ва гўзал, мазмуни кенг ва теран. Улар дунёнинг барча пасту баландини кўрган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган, инсон феълининг турфа тусланишларини обдан ўрганган, илми зоҳир ва илми ботинни ўзида мужассам этган олим ва ориф инсоннинг қалбидан қайнаб чиққан ҳикматлардир.

1

Бу жон мудом сенинг адоинг бўлсин!
Бу дил ҳамиша мубталойинг бўлсин!
Бир жон не бўлар -- сенга фидо этмак учун
Юз жоним агар бўлса, фидойинг бўлсин!

2

Тортар ўзига ишқу ҳавоси ёрнинг,
Айлар мени лол ҳусни сафоси ёрнинг.
Кўзимга қилиб сурма оёғи гардин,
Бошимни этарман хокипоси ёрнинг...

3

Ҳукмингда магар мамлакати Мисру Яман,
Фармонингда мулки Хитой ҳамда Хўтан,
Бор бойлигини йиғсанг-да ер юзининг,
Эй шоҳ, жаҳондан этасан битта кафан!

4

Бизга бу фалак гоҳи вафо, гоҳи ситам,
 Гоҳ шодлигу гоҳ фароғату гоҳи алам.
 Ҳеч дил ғаму шодликдан эмасдир холи,
 Дуниени ғаму шодлиги бирга ҳар дам.

5

Инсон зоти доим асири ҳою ҳавас,
 Ҳар супраки, кўрса — устида мисли магас.
 Дону сув илинжида забун қуш монанд
 Ҳар лаҳза бало домндаю банди қафас.

6

Ҳар кимсаки, жоҳиллар ила бўлгайдир,
 Дин ҳукмича, ғофиллар ила бўлгайдир.
 Ҳар кимса яқин бўлса камол аҳли билан,
 Ҳақ лутфи-ла комиллар ила бўлгайдир.

7

Руҳим бегумон сенга ҳар он ёр эди-ей,
 Ошuftа бу жоним-да мудом зор эди-ей.
 Дил бўлган эмас энди гирифтор сенга,
 Ул асли азал сенга гирифтор эди-ей!

8

Ул шўҳ ҳамиша дилрабо эрди менга,
 Ундан неча меҳри вафо эрди менга.
 Фарёдқи, тарк айлади ошноликни,
 Ет бўлди ўшалки, ошно эрди менга.

9

Учратмадим Оллоҳ сиридан огоҳни,
 То бошласа Ҳақ йўлга у мен — гумроҳни.
 Оллоҳим, этиб лутф чақирсанг нетгай,
 Қошингга яқин билиб Убайдуллоҳни.

10

Нўқ бўлса юзинг, гулни урайми бошга?
 Нўқдир назарим лола каби сирдошга.
 Киприкда тизилган қатра-қатра қонни
 Не деб атайин баҳор гулидан бошқа?!

11

Даврон гамидан заррача гам йўқ менда,
 Чарх айланишидан-да алам йўқ менда.
 Ишқингда йўқотмишман ўзимни андоқ —
 Парво сенга ҳам, ўзгага ҳам йўқ менда.

12

Чарх этди жудо мендан ўшал моҳимни,
 Етказди фалакка нолаи оҳимни.
 Шамъдек куяру, йиглагуси ҳолимга
 Ҳар ким, эшитар оҳи саҳаргоҳимни.

13

Файз етгуси зикр ила дили огоҳга,
 Ул файз эгаси яқин бўлар Оллоҳга.
 Сўз дерлару «ло илоҳа»дан, етгайлар
 Моҳияти «ло илоҳа иллаллоҳ»га.

14

Токай кўрасан хору паришон ўзни,
 Ҳар лаҳза харобу хонавайрон ўзни.
 Мажнун каби девона бўл-у, айла халос
 Олам элининг қўлидан, эй жон, ўзни.

15

Булбул каби кўнглим нола этса, не ажаб?
 Парвоз қилиб, аршга етса, не ажаб?
 Айлансам-у тупроққа вафоси йўлида,
 Хоким-да вафо ҳидин таратса, не ажаб?

16

Ёр сеҳру фусун бандига солди бу кеча,
 Юз ишва билан дилимни олди бу кеча.
 Бошим нега кўкка етмасин бу бахтдан —
 Дил ўрнида кўксимда у қолди бу кеча.

17

Ҳар сунбули тоза зулфи дилдор эмиш-ей,
 Ҳар лола жамоли лоларухсор эмиш-ей,
 Ҳар сарви баланд қомати ёр эмиш-ей,
 Ҳар гунча дили бир ошиқи зор эмиш-ей.

18

Бир шўх санаму сояи шамшод бўлса,
 Диллар яна гам қайдидан озод бўлса,

Хушдир жуда май жомию маҳбуб ҳусни
Анҳору саройи Астробод бўлса!

19

Муҳтожга қайиш — асли каромат шулдир,
Бир ишки, йўқ ортида маломат — шулдир.
Ҳар икки жаҳонда, солико, нймонни
Қутқаргучи чин роҳи саломат шулдир.

20

Сендан ризо кўзлаган Убайдуллоҳдир,
Лутфинг сўрао бўзлаган Убайдуллоҳдир.
Ҳар икки жаҳонда кўзу кўнгил бирлан
Сендан сени излаган Убайдуллоҳдир.

21

Ёр оразининг ҳусну сафоси ўзга,
Ёр манзилининг ооу ҳавоси ўзга.
Фирдавс агарчи яхши жойдир, аммо
Ёр турган ўшал (жойни)нг баҳоси ўзга.

22

Ўз илмию фазли била ким мағрурдир,
Ўз бахтига душманлик ила машҳурдир.
Ҳар дилки, Лудо нури билан маъмурдир,
Жаҳл зулматидан фориғу ҳам масрурдир.

23

Ул шўхи жафопешаки, дилдор бизга,
Ҳар ерда қилар у қасди озор бизга.
Жом бирла қадаҳ мисоли лаъли лабисиз
Қон йиғлашу қон ичиш эрур кор бизга.

24

Ҳар кимсаки, Ҳақ ишларидан маҳрумдир,
Ул ҳам Ҳақу ҳам халқ олдида мазмумдир.
Сўз очмак эмас раво кишининг ишндан,
Ҳақ олдида чунки ҳаммаси маълумдир.

25

Ким Ҳақни унутса — ўша гофил бўлгай,
Кўнгли ўлар-у, тупроқ ила гил бўлгай.
Ким кўнглига Ҳақ ёди била берса ҳаёт,
Ул икки жаҳонда барҳаёт дил бўлгай!

Бу боғни бугун ҳавоси бисёр ҳушдир,
 Ҳуснинг нуридан сабзаю гулзор ҳушдир.
 Оллоҳ ҳақи, гул гунчасидек пардада бўл,
 Чеҳрангни сенинг кўрмаса ағёр хуш тир.

Эй ёр, нима гап, замона фосид бўлди,
 Ул кайфу сафо бозори косид бўлди.
 Қилмасди биров бизга ҳасад — энди эса
 Макр ила ҳасад этди-ю, ҳосид бўлди.

Дунёда нетай ному нишонни сенсиз?
 Ҳам Хизр каби умри жовидонни сенсиз?
 Сенсиз менга даркор эмас бу жону жаҳон,
 Жоно, не қилай жону жаҳонни сенсиз?!

Дийдорини бир кўриш учун зор бўлдим,
 Дийдорининг орзусида бемор бўлдим.
 Бас, давлати дийдорига етказ, ё Раб,
 Умрим борича толиби дийдор бўлдим.

Хайрингни дариг тутмадинг авбошлардан,
 Тавфиқни-да лутфинг ила айёшлардан¹.
 Оллоҳим, умид Ўзингдан — Од қавми каби²
 Ер юзини пок айла қизилбошлардан!

Ҳар кимда бу гам уйида манзил бўлгай,
 Қандай қилиб у айшга мойил бўлгай?
 Гам-қайғули бу замонда, эй ёри азиз,
 Бир киши топилмаски, у хушдил бўлгай.

Дил аҳлига мен ёру яқин бўлгим бор,
 Ҳам дўсти азизи аҳли дин бўлгим бор.

¹ Ай ёш — ширатнараст, айш-ширатни севувчи.

² Маълумки, Од қабиласига Ҳуд пайғамбар қилиб юборилган эди. Лекин қавми у кўрсатган ҳидоят йўлига юрмагани туфайли, Оллоҳ таоло бу қабилани ер юзидан йўқотиб юборган.

Бир лаҳзада ҳар икки жаҳонни унутиб,
Дил аҳли каби гўшанишин бўлгим бор.

33

Кўзим куяр ул сарви равон фурқатида,
Кўнглим куяр ёри меҳрибон фурқатида.
Дард оташи бирла чорасизлик ғамидан
Кўксим куяр, ўртанади жон фурқатида.

34

Дўстлар, дилима бало бўлишга не сабаб?
Хаста жонима жафо бўлишга не сабаб?
Ҳар лаҳза менинг ҳамдаму ёрим эдингиз,
Бир бора бу кун жудо бўлишга не сабаб?!

35

Дунёда Худо лутфу ато бахш этгай!
Уқбода ҳури нозик адо бахш этгай!
Ҳар икки жаҳонда нимани истар эсам,
Ул истаганим менга Худо бахш этгай!

36

Эзгу ишимизга нафс монёъ бўлди,
Ўткинчи жаҳон айшига қонёъ бўлди.
Афсуски, бир иш қилмадик Оллоҳ йўлида,
Қимматли ҳаёт шу хилда зоеъ бўлди.

37

Ҳақдан у азизларки, хабар топмишлар,
Юз бор валилардан-да назар топмишлар.
Мақсуду муродини улар-да доим
Тун ярмида ёинки саҳар топмишлар.

38

Кўз ҳаққи, лиқойингни севарман, эй дўст,
Ҳар лаҳза сафойингни севарман, эй дўст.
«Сев, — десанг, — итимни», сени деб ул итни —
Тимсоли вафойингни севарман, эй дўст.

39

Пошукр киши подшодан нолигай,
Ҳар меҳнату ранжу ҳар балодан нолигай.
Ҳақ душмани у — ҳеч гина қилмас ўзидан,
Ҳам дўсти Худою ҳам Худодан нолигай.

Фарзона дилим кўйингда Мажнун бўлсин!
 Кўнглимда юзингининг ишқи афзун бўлсин!
 То рашку ҳасад ичра юмуқ гунча каби
 Ошуфта кўнгиллар бари маҳзун бўлсин!

На ҳоли дилим чархи фалак билгайдир,
 На сирри ниҳонимни самак¹ билгайдир.
 Ҳолимдан эмас Худодан ўзга огоҳ,
 На инсу на жиниу на малак билгайдир.

Етганда ажал бу кўзларинг кўр бўлгай,
 Ул дамда мақому манзилинг гўр бўлгай.
 Гўр ичра ташинг бўлгаю пора-пора,
 Ҳар пораси битта улуши мўр бўлгай.

Ул қавмки, мол-дунёга мағрур бўлди,
 Ҳақ лутфидан мосивою маъзур бўлди.
 Ул қавмки, англаб буни тарк этди уни,
 Ҳар икки жаҳонда шоду масрур бўлди.

Фарзанд агар мутеъи фармон бўлгай,
 Ҳақ лутфи унга мудом фаровон бўлгай.
 Бешубҳа бунингдек фарзанд ҳар тоим
 Кўзинг нурию раҳмати Раҳмон бўлгай!

Ҳеч кимсага теккизма забони покнинг,
 Бўлсин, десаиғ, осуда бу жони покнинг.
 Ифлос қилади оғизни ғийбат, билсанг,
 Бас, булғама ҳеч қачон даҳони покнинг.

Саргаштаси ёрнинг дилу жондан кечгай,
 Оввораси бўлса, хонумондан кечгай.
 Девонаси ақлу ҳушини тарк айлаб,
 Бир лаҳзада ҳар икки жаҳондан кечгай.

¹ Самак — бу ерда ер ости маъносида келиб, фалакка қарши қўйилаяпти.

Ҳақ ёдидан айру кўнги.л энг мазмум эрур,
 Шайтон билан алоқаси маълум эрур.
 Ҳар кимки, Худо ёди билан бедор эмас,
 Бундай кишини тирик дема, марҳум эрур.

Ушла отининг жиловидан ишратнинг,
 Шодлик бу—шамол, тут этагин давлатнинг.
 Олам элнинг азизи бўлмоқ эрсанг,
 Солик каби танла йўлини узлатнинг.

Кечиб вужудингдан агар ҳур бўласан,
 Ҳақ меҳрига ёр, лутфига маъмур бўласан.
 Восил бўласан васлигаю Оллоҳнинг,
 Нур оламида бошдан-оёқ нур бўласан!

Ёрига бўлар ҳамиша ёр чин ошиқ,
 Килмас сира узлатни шнор чин ошиқ.
 Ишқ оламида ўзгани илмас кўзга,
 Ёрига этар жонни нисор чин ошиқ.

Афсус, бебаҳо умр равон ўтгусидир,
 Бу бебаҳо умр каби жаҳон ўтгусидир.
 Етмак учун ломаконга парвоз айлаб
 Жон қуши жаҳондан бегумон ўтгусидир.

Ишқингда ҳар ошиқ дилу жондан кечгай,
 Ҳам нақди ҳаёти жовидондан кечгай.
 Васл орзусида кўзни юмиб-очгунча
 Ҳам жонидану ҳам бу жаҳондан кечгай.

Ким тўккали обрўйинг шитоб қилгайдир,
 Халқ ўртасида таъна-итоб қилгайдир.
 Сен унга жавоб айламаю жим ўлтир,
 Ўрнингга фаришталар жавоб қилгайдир.

Чин дилдан ибодатинг адо қилгайман,
 Ҳар дам сени (нг) ҳаққингга дуо қилгайман.

Излаб бу жаҳон ичинда дийдорингни,
Васлингни у дунёда даъво қилгайман.

55

Ҳар ерда наю майдан эса жўшу хурўш,
Бул жўшу хурўш ичра ичиш бода на хуш!
Зоҳид каби бозорга ўзинг солмаю ҳеч,
Порсолнинг эл ичра сира айлама пеш.

56

Бул кўҳна жаҳон бошдан-оёқ вайрондир,
Ободлиги тупроқ ила яксондир.
Сен унда макон тутмаки, бул кўҳна жаҳон
Оромгаҳи деу даду шайтондир.

57

Жонинг вужудинг туфайли ғамнок бўлгай,
Айбу кинадан гарчи дилинг пок бўлгай.
Зийрак кўзим-ей, кўриб турибсан-ку ўзинг:
Бор бўлса нима, оқибат у хок бўлгай...

58

Ошиқлик удум-расми то пайдо бўлди,
Ошуфта дилим жаҳонда якто бўлди.
Ҳар дил у пари зулфига шайдо бўлди,
Девона дилим каби у расво бўлди.

59

Ишқ бодасидан агарчи мастсан — шод бўл!
Қилдингми нажот йўлига қасд сан — шод бўл!
Халқдан узилиб гар кеча-кундуз, эй дил,
Пўқлик гўшасида ҳақпарастсан — шод бўл!

60

Келдик баримиз-да мустақим йўл бирлан,
Кўйинг сари покиза, салим дил бирлан.
Сёқни қабартириб вафо йўлида,
Кўришгани келдик шу қадим эл бирлан.

61

Дилдан сира ҳам қилма йироқ имонни,
Ҳар лаҳза яқин айла имонга жонни.
Зикринг ила ҳар нафас сафо аҳли каби
Қув дилдан ўзинг васвасан шайтонни.

93

Хуш улки, тутар мақом фано дайри аро,
 Айлаб дилига мудом Худо ёдини жо.
 Сидқ ила қадам қўйиб вафо кўйинга ул,
 Ҳақ йўлида боқмас икки дунёга қиё.

Гар бўлди зиёда қайғуга эшлигимиз,
 Ғам дастидан беҳудлигу беҳушлигимиз,
 Оллоҳга шукр, афзал эрур шоҳликдан,
 Эй дарвешлар, ҳамиша дарвешлигимиз!

Ишқинг асари руҳимда бўлгач пайдо,
 Кўз бирла кўнгил ўзингга бўлди шайдо.
 Исмингни агарчи келтирарман тилга,
 Мақсуд менга исмингдан эрур мусаммо.

Ё Раб, менга дуч айла дили огоҳни,
 Кўрсатсин у солик каби менга роҳни.
 Лутфу караминг бирла бу дам огоҳ эт
 Ул Қаъбаи васлингдан Убайдуллоҳни.

Эй дил, мени на деву на дад¹ қўрқитгай,
 Ё айбу гуноҳлар беадад қўрқитгай.
 Оламда булардан сира йўқ хавфим, лек
 Дўст кўнглидаги кину ҳасад қўрқитгай.

Кўргум у сафо аҳлида бир нуру сафо,
 Кўргум у нуру сафо каби меҳру вафо.
 Ҳар лаҳза басират аҳли янглиғ, ё Раб,
 Кўргум нимага боқсам ўзингни танҳо.

Эй дўст, на дарвешу на хоқон бўлдим,
 На шоҳу бирор мулкка, на султон бўлдим,
 Оламда ўзимча на у, на бу бўлдим,
 Ҳақ хоҳлагани каби бир инсон бўлдим.

¹ Д а д — йиртқич, ёввойи ҳайвон.

Ул қавм асири доғи ҳижрондирлар,
Тупроқ билан якранг-у, яксондирлар.
Дарвеш каби бўлса-да улар сувратда,
Маъно оламида шоҳу султондирлар.

70

Дил дарди унинг давосига арзимагай,
Жон роҳати ҳам жафосига арзимагай.
Эй дил, тилама икки жаҳон айшини ҳеч,
Арзирми гамингга у ва ё арзимагай?!

71

Ошуфта бу жон сенинг фидойинг бўлсин!
Саргашта бу бошим хоки пойинг бўлсин!
Ҳар иш бўлади сенинг ризойинг бирлан,
Алқисса, менга Сенинг ризойинг бўлсин!

72

Маҳшарда сўралгай — аҳдингга айла вафо,
Аҳдингни бузиб, ўз-ўзингга қилма жафо.
Ким чиқса мудом ўз аҳдининг уддасидан
Билгил уни мардлар аро марди Худо!

73

Токай бу замон ғамидан афсона бўлай,
Афсонаи ҳар оқилу фарзона бўлай.
Ошиқ бўлаю икки жаҳондан кечибор
Бир Лайлисифат ишқида парвона бўлай!

74

Ҳаддан ўтди ғаму малолим, на қилай?
Ғаддор замон берди заволим, на қилай?
Додимни ўзингга айтаман шому саҳар,
Гар тингламасанг сен-да бу ҳолим, на қилай?..

75

Токай фироқ заҳрини тун-кун ичаман,
Токай ғамда жоми пурхун ичаман.
Токай яшайин ёр лабисиз ташна жигар,
Эслаб лабини бодаи гулгун ичаман!

МУНДАРИЖА

Сўфиёна завқу шавқ тўлқинлари	3
Абусайд АБУЛХАИР	6
Умар ХАЙЕМ	22
Нажмиддин КУБРО	37
Мажиддин БАҒДОДИИ	42
Жалолиддин РУМИИ	45
Паҳлавон МАҲМУД	61
Ҳофиз ШЕРОЗИИ	74
УБАЙДИИ	84

Адабий-бадиий нашр

ИШҚ ДАФТАРИ

Рубойлар

Тошкент «Маънавият» 2000

Таржимон Э. Очилов
Муҳаррир М. Мансуров
Бадий муҳаррир С. Аъзам
Техн. муҳаррир. Т. Золотилова
Мусаҳҳиҳ С. Абдусаттоева

Теринга берилди 04.08.00. Босишга руҳсат этилди 11.09.00. Бичими 84x108 1/32. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 5,04. Шартли кр.-отт. 5,46. Нашр т. 4,17. 3000 нусха. Буюртма №150. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41. Шартнома 15—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1 уй. 2000.